

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 343.852(575.1)(043.5)

ДЖАЛИЛОВ ФУРКАТ ЗАКИРОВИЧ

***Шартли ҳукм қилишнинг назарий ва амалий
масалалари***

5А 240104 – Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: юридик фанлар
номзоди, доцент ***Ш.Ё.Абдуқодиров***

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	10
1. Шартли ҳукм қилиш тушунчаси.....	10
2. Шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи.....	23
I боб бўйича хулоса.....	28
II БОБ. ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	29
1. Шартли ҳукмни қўллаш асослари.....	29
2. Шартли ҳукм қилишда синов муддати ва унинг давомлилиги.....	39
3. Шартли ҳукм қилинганларга синов муддати мобайнида қўйиладиган талаблар.....	48
4. Шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асослари.....	54
II боб бўйича хулоса.....	58
III БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	60
1. Жиноят қонунини либераллашириш шароитида шартли ҳукм қилишнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	60
2. Айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида шартли ҳукм қилишга оид нормаларни такомиллашириш.....	66
III боб бўйича хулоса.....	74
ХУЛОСА.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80
ИЛОВАЛАР.....	90

К И Р И Ш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласи билан бевосита боғлиқдир. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда эса, жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш алоҳида эътироф этиладиган масалалардан ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов “жиноят-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди”¹, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий муносабатларни либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, халқаро ҳамжамиятга қўшилиш жараёнлари, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жазоси узоқ йиллар мобайнида кенг қўлланилиши жиноятчиликка қарши кураш натижаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатмагани жинойий жазо тизими маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар улушини кўпайтиришга қараб мўлжал олишига олиб келди. Зотан, давлатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштиришнинг асосий мақсади сифатида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлаш,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 26.

жиноий жазо тизимидаги жазолаш функцияларини торайтириш йўлидан бориш белгилаб олинган¹.

Айни шу сабабли, шартли ҳукм қилишни қўллаш муаммоси ҳозирги вақтда ҳам республикамиз, ҳам чет эл жиноят ҳуқуқи фанининг диққат марказидан ўрин олган. Мазкур институтни ўрганишга бағишланган кўп сонли юридик адабиётлар, монографиялар мавжудлиги, унинг муаммолари атрофида қизғин баҳс-мунозаралар кетаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Шартли ҳукм қилишни тадқиқ этишнинг назарий ва амалий аҳамияти катта эканлиги шак-шубҳасиздир, чунки бу институт жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Демак, мазкур мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, XIX аср охирида пайдо бўлган шартли ҳукм қилиш институти кейинги даврда бутун дунёда кенг тарқалди. Аммо, мазкур институт юзасидан баҳс-мунозаралар наинки тўхтамаган, балки уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан янгича нуқтаи назарларни юзага келтирмоқда. Жиноят ҳуқуқи назариясида кўп сонли нуқтаи назарлар мавжудлигига қарамай, шартли ҳукм қилишнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисидаги масала ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Ваҳоланки, ушбу институтнинг мазмунини аниқлаш биринчи даражали аҳамият касб этади, зеро, шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини тавсифлашга нисбатан турли ёндашувларга қараб, мазкур чорани қўллаш механизми турлича амалга оширилади. Мазкур тадқиқот доирасида ушбу институтнинг моҳияти ва мазмуни юзасидан асосий нуқтаи назарлар таҳлил қилинади ҳамда уларнинг натижаси сифатида ушбу институтнинг мазмуни очиб берилади;

иккинчидан, амалдаги ЖКда шартли ҳукм қилиш тўртта турдаги жазога нисбатан тайинланиши мумкин. Аммо, бугунги кунда ижтимоий

¹ Рустамбаев М.Ҳ., Абдурасулова Қ.Р., Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 6.

муносабатларни, хусусан жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўналишида олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсат шартли ҳукм қилиш институтини янада либераллаштириш, уни қўллаш ҳолатларини кенгайтириш имкониятларини излашни талаб қилмоқда. Жумладан, шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонунчилигида қайд этилган рўйхатни жарима ва қамоқ сингари жазо турлари ҳисобига кенгайтириш мумкин. Мазкур тадқиқот орқали эса, қайд этилган масалага ойдинлик киритиш ҳамда аниқ хулосаларни ишлаб чиқиш имконини беради;

учинчидан, шартли ҳукм қилишни индивидуаллаштириш ушбу институтни қўллаш тартиби ва мезонлари, унинг мақбуллиги чегараси, жиноятлар рецидивда мазкур чорани тайинлаш имконияти тўғрисидаги масалалар ва шартли ҳукм қилишни бекор қилиш билан боғлиқ муаммолар жиноят қонуни нормаларини қўллаш амалиётини янада чуқурроқ таҳлил қилишни талаб этади;

тўртинчидан, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида уни тартибга солиш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқот иши доирасида шартли ҳукм қилишга доир ҳуқуқий тизими ўхшаш бўлган мамлакатлар, хусусан, МДХга аъзо мамлакатлар ва ҳуқуқий тизимларида ўзаро фарқлар мавжуд бўлган хорижий мамлакатларнинг, хусусан, англо-саксон ҳуқуқий тизимига мансуб давлатларнинг жиноят ҳуқуқида шартли ҳукмни қўллаш шартлари ва меъзонлари, уларда шартли ҳукм қилишга оид нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида белгиланган нормалардан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинади ҳамда ижобий тажрибаларни мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади;

бешинчидан, мамлакатимизда шартли ҳукм қилиш юзасидан статистик маълумотлар таҳлили ҳам бу борада қонунни қўллаш амалиётини яна бир чуқурроқ ва кенг қўламда таҳлил қилиш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб

чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2011 йилда жами судланган шахслар 55 134 та ташкил қилган ҳолда, 6602 та шахсга нисбатан (12,0 % ҳолатда) шартли ҳукм қилиш қўлланилган. Мазкур кўрсаткич 2012 йилда 48 205 та шахсга 5359 та шахс (11,1 %), 2013 йилда 45 270 шахсга 5434 та шахс (12,0 %), 2014 йилда 47185 та шахсга 5084 та шахс (10,8 %) нисбатини ҳосил қилган¹. Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда жинойт қонунини либераллаштириш сиёсати олиб борилаётган бўлса-да, шартли ҳукмни қўллаш амалиёти шартли ҳукмни қўллашни кенг жорий этишга йўналтирилябди, деган хулосани чиқариш имконини бермайди. Бу эса, қонунни қўллаш амалиётини яна бир бор чуқур таҳлил қилиб, шартли ҳукмни кенгрок қўллаш имкониятларини излаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мавзунинг долзарблигини асослайди ва унинг аҳамиятини ойдинлаштиради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Шартли ҳукм қилиш зарурати ва унинг натижасида вужудга келган жинойт-ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий муносабатлар тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети а) Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тадқиқот объектига доир қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; б) шартли ҳукм қилишга алоқадор халқаро ҳужжатлар; в) шартли ҳукмга оид илмий-назарий адабиётлар ва амалий қўлланмалар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади шартли ҳукм қилишнинг назарий ва амалий масалаларини комплекс таҳлил қилиш, унинг жинойт-ҳуқуқий белгиларини ёритиш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унга доир жинойт-ҳуқуқий нормаларни қўлланиш бўйича норматив-ҳуқуқий база, тергов ва суд амалиётини таҳлил

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистика маълумотларидан, 2015 йил.

қилиш, жиноят қонуни либераллаштириш шароитида шартли ҳукм қилиш институтини такомиллаштириш истиқболларини белгилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- шартли ҳукм қилиш тушунчасини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тавсифлаш;
- шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ёритиш;
- шартли ҳукмни қўллаш асосларини таҳлил қилиш;
- шартли ҳукм қилишда синов муддати ва унинг давомлилигини таҳлил қилиш;
- шартли ҳукм қилинганларга синов муддати мобайнида қўйиладиган талабларни тавсифлаш;
- шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларини таҳлил қилиш;
- жиноят қонунини либераллаштириш шароитида шартли ҳукм қилишнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;
- айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида шартли ҳукм қилиш масаласини қиёсий таҳлил қилиш;
- амалдаги жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш ва суд амалиётини яхшилаш юзасидан аниқ тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда шартли ҳукм қилишнинг назарий ва амалий масалаларининг энг муҳим жиҳатларини комплекс ўрганишга, уни жиноят-ҳуқуқий таҳлил қилишга, жиноят қонуни либераллаштириш шароитида шартли ҳукм қилиш институтини такомиллаштириш истиқболларини белгилашга ҳаракат қилинган.

Мазкур тадқиқот доирасида шартли ҳукм қилишга нисбатан янгича ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда унда тадқиқот объектига мамлакатимизда жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида амалга оширилаётган жиноят қонунини либераллаштириш нуқтаи назаридан ёндашилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот натижасида шартли ҳукм қилишнинг назарий ва амалий масалалари жиноят-ҳуқуқий нуктаи назардан комплекс ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали унинг янада самарали қўлланилишига эришилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Жиноятнинг махсус субъекти, унинг жавобгарлик доираси каби масалалар республикамізда етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур масала юзасидан республикамізда Ш.Абдуқодиров, Б.Ж.Ахраров, П.Б.Бакунов, Р.А.Зуфаров, Қ.Мирзажанов, Ҳ.Очилов, М.Ражабова, М.Ҳ.Рустамбаев, Д.Ж.Суюнова, Э.Турғунбоев, М.Усмоналиев, А.С.Ёкубов, Р.Қурбонов¹ларнинг илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек мазкур масаланинг айрим жиҳатлари чет эл олимларидан В.И.Баландин, А.В.Беляева, Т.Ю.Орешкина, Т.Г.Веретенникова, А.Б.Виноградов, И.А.Двойменный, С.И.Зельдов, О.Книженко, А.Н.Ружников, Ф.С.Саввич, Т.Г.Черненко² томонидан ўрганилган. Мазкур мавзу доирасида

¹ Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва айрим ри-вожланган хориж давлатлари жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари: Ўқув қўлланма. / Б.Ж.Ахраров, Ш.Абдуқодиров, Э.Турғунбоев, Ҳ.Очилов. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Қ. Абдурасулова. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 192 б.; Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – 660 б.; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997. – 382 б.; Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 374 б.; Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2010. – 400 б.; Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо: Монография. – Тошкент: Адолат, 1996. – 134 б.; Суюнова Д.Ж. Жиноий жазоларни тайинлаш муаммолари. – Тошкент, 2008. – 56 б.; Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 57 б.; Қурбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни қўллаш муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 161.

² Баландин В.И. Эффективность освобождения от отбывания наказания при условном осуждении и отсрочке исполнения приговора. – Свердловск, 1998. – С. 13.; Беляева А.В., Орешкина Т.Ю. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 120.; Веретенникова Т.Г. Условное осуждение и его значение в реализации закона. Сб. Вопросы осуществления прав и обязанностей в развитом социалистическом обществе. – Казань, 1993. – С. 63.; Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 52.; Двойменный И.А. Проблемы исполнения условного осуждения в современных условиях. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 2000. – С. 58.; Зельдов С.И. Освобождение от отбывания наказания и прогрессивная система реализации уголовной ответственности. Сб.: Криминология и уголовная политика. – М., 1995. – С. 127.; Книженко О. Условное осуждение или система испытания // Законность, 2002. №9. – С. 40.; Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – М., 1994. – С. 6.; Саввич Ф.С. Условное осуждение как мера воспитания осужденных в современный период. – Свердловск, 1992. – С. 351.; Черненко Т.Г. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора: пути совершенствования. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 113.

комплекс тадқиқот олиб бориш амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этишда катта аҳамият касб этиши билан бир қаторда мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, мантикий ва тизимли, эмпирик ва социологик, статистик таҳлил ва формал-мантикий, қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий-қиёсий каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот шартли ҳукм қилишга оид назарий ва амалий масалаларни тизимлаштириш, янги тушунчаларнинг аниқ таърифини баён этиш, бу соҳада назарий асосларни ривожлантиришга, жиноят қонунининг қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, таърифланган таклифлар ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда; амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорини тайёрлашда; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида; олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида дарс жараёнларида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур диссертация ишининг таркиби тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқдир. Диссертация кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 77 бет. Ишда 118 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган. Иловалар 5 бет.

1 БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1. Шартли ҳукм қилиш тушунчаси

Ўзида инсонпарварлик, жазони индивидуаллаштириш ва унинг муқаррарлиги тамойилларини ифода этган ҳолда ЖК 72-моддасида белгилаб берилган шартли ҳукм қилиш айбдорни жазодан озод қилишнинг алоҳида шакли ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш воситаси ҳисобланган шартли ҳукм қилиш институти фақат унда мажбурлаш ва ишонтириш усуллари оқилона уйғунлиги таъминланганда кутилган самара беради. Жиноят ҳуқуқида жиноятчини ахлоқан тузатиш жараёнини рағбатлантириш учун зарур бўлган мазкур норманинг мавжудлиги жиноий жавобгарликни ва шартли тайинланган жазони индивидуаллаштириш ва дифференциация қилиш мақсадлари билан боғлиқ. Моҳиятан, шартли ҳукм қилиш жиноят содир этган шахсга шундай таъсир кўрсатишни назарда тутадик, у ижтимоий фойдали натижага эришишга мажбурланмасин, балки рағбатлантирилсин. Айни шу сабабли, самарали институт – шартли ҳукм қилишни доимий равишда такомиллаштириш улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Шартли ҳукм қилишнинг моҳияти тўғрисидаги масала жиноят ҳуқуқи фанида ҳанузгача баҳсли бўлиб қолаётир. Бу ҳол жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари тизимида шартли ҳукм қилишнинг ўрни, аҳамияти, мақсадлари, уни амалга ошириш механизмини тадқиқ этишга нисбатан илмий ёндашувларнинг ҳар хиллиги билан белгиланади. Шартли ҳукм қилишнинг моҳияти, унинг жазодан озод қилишни тартибга солувчи чоралар тизимидаги ўрнини аниқлаш жиноят учун жазони мумкин қадар камайтириш ғоясини биринчи навбатда оғир жазо – озодликдан маҳрум қилишни қўллашни чеклаш, айни вақтда жиноят-ҳуқуқий мажбурловнинг самарадорлиги даражасини пасайтирмаслик ҳисобига амалга ошириш учун

муҳим аҳамият касб этади¹. Бундан ташқари, шартли ҳукм қилишнинг тушунчасини тавсифлашга нисбатан ҳар хил ёдашувларга қараб, мазкур чорани ижро этиш механизми ҳам турлича амалга оширилади. Масалан, шартли ҳукм қилиш жазони ижро этишни кечиктириш деб эътироф этиладиган бўлса, уни амалга ошириш масалалари жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солиниши лозим.

“Шартли ҳукм қилиш” тушунчаси юзасидан турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, ушбу масала юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас². Суд айблов ҳукмини чиқараётганда айбдор шахс “шартли” ҳукм қилинмайди, коида тариқасида, доим ҳукм эълон қилинади ва жазо тайинланади, маҳкумга нисбатан жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқарилади. Шунга ўхшаш “ноаниқлик” 1962 йилги Швеция ЖКда ҳам мавжуд бўлиб, унда суд шартли ҳукм чиқариши мумкинлиги назарда тутилган (27-боб). Амалда эса, айблов ҳукми чиқарилади, жазо тайинланади, масалан, жарима-кунлар ёки жамоат ишлари тариқасида; сўнгги зикр этилган ҳолда суд, агар айбдор шахсга жамоат ишлари тайинланмаганда, озодликдан маҳрум қилиш муддати қанча бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтиши шарт. Акс ҳолда (агар ҳукм бўйича жазо тайинланмаса) икки йилдан иборат пробация даври (синов муддати) тайинланади ва унинг шартлари белгиланади.

Шартли ҳукм қилишнинг маъноси шундаки, айблов ҳукмини чиқараётиб маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг ажмини белгилайди, аммо тайинланган жазони шартли деб ҳисоблашга қарор қилади. Яъни, маҳкум томонидан маълум талабларни ижро этиш шартли билан жазо ижро этилмайди. Бундан келиб чиқадики, шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини маҳкумга тайинланган жазони реал ўташдан шартли озод бўлиш ташкил этади³.

¹ Зельдов С.И. Освобождение от отбывания наказания и прогрессивная система реализации уголовной ответственности. Сб.: Криминология и уголовная политика. – М., 1995. – С. 127.

² Уголовное право. Общая часть / Учебник под ред. Здравомыслова Б.В. – М.: Юристъ, 2000. – С. 397.

³ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 524.

Ўзбекистоннинг 1959 йилги ЖКда шартли ҳукм қилишнинг икки тури: ҳукмнинг ижросини кечиктириш (44¹-модда) ва шартли равишда ҳукм қилишнинг ўзи (43-модда) назарда тутилган эди. Мазкур институтларни қиёсий ҳуқуқий тадқиқ этиш натижасида аксарият назариячилар уларнинг ўртасида сезиларли даражада ўхшашлик мавжуд, деган хулосага келдилар. Дарҳақиқат, “уларнинг ўртасидаги фарқ юзаки, ҳар хил сўзларда ифодаланган, моҳият эътибори билан, улар мазмунан бир”¹. 1994 йилги жиноят қонунчилиги ҳуқуқий тузилиши жиҳатидан яқин ва умуман олганда бир-бири билан рақобатлашувчи шартли ҳукм қилиш ва ҳукмнинг ижросини кечиктириш институтларини бирлаштириш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазаларни ўзлаштириб, айнан уларни бирлаштириш йўлидан борди.

Жиноят ҳуқуқи назариясида шартли ҳукм қилиш жиноят-ҳуқуқий чора², жазо тури³, жазодан озод қилиш тури⁴, жазони ўташнинг алоҳида тартиби⁵, жазо қўллашнинг алоҳида тартиби⁶, жазони реал қўлламаслик⁷, жазони шартли равишда қўлламаслик⁸, ҳукмни ижро этишнинг алоҳида тартиби⁹, жазони ижро этишни кечиктириш¹⁰, маҳкумни тарбиялаш (ахлоқан тузатиш) алоҳида воситаси¹¹, ижтимоий таъсир кўрсатиш алоҳида

¹ Черненко Т.Г. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора: пути совершенствования. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 113.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 524.

³ Карпец И.И. Индивидуализация наказания. – М., 1991. – С. 27.; Ретюнский И.С. Уголовная ответственность и ее реализация. – Воронеж, 1993. – С. 56.

⁴ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 265.; Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Жазо тўғрисида таълимот. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. –Б. 189.; Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – М., 1994. – С. 6.

⁵ Шаргородский М.Д. Вина и наказание в уголовном праве. – М., 1995. – С. 8.

⁶ Бриллиантов А.В., Потемкина А.Г., Ружников А.Н. Исполнение условного осуждения и условного освобождения с обязательным привлечением к труду. – М., 1992. – С. 11.

⁷ Веретенникова Т.Г. Условное осуждение и его значение в реализации закона. Сб. Вопросы осуществления прав и обязанностей в развитом социалистическом обществе. – Казань, 1993. – С. 63.

⁸ Беляева А.В., Орешкина Т.Ю. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 120.

⁹ Савин Н.Ф. Вопросы государства и права. – Свердловск, 1992. – С. 534.

¹⁰ Анашкин Г.З., Вышинская З.А., Минская В.С. Условное осуждение и практика его применения. – М., 1991. – С. 11.

¹¹ Саввич Ф.С. Условное осуждение как мера воспитания осужденных в современный период. – Свердловск, 1992. – С. 351.

чораси¹, жазони ижро этиш (ўташ)дан шартли равишда озод қилиш², жазони ижро этишнинг алоҳида шакли³, жазони шарт остида ижро этмаслик⁴, тайинланган асосий жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш⁵, жиноят ҳуқуқининг мустақил институти⁶, жиноий жавобгарлик чорасини амалга ошириш алоҳида тартиби⁷ сифатида қаралган. ⁸

Шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини ҳар хил тушуниш ўз-ўзидан уни амалда қўллашнинг турли усулларида фойдаланилишига олиб келади, бу эса мазкур институтнинг мақсадлари, хусусияти ва самарадорлиги даражасини аниқлашни белгилайди.

М.Ҳ.Рустамбаевнинг қайд этишича, шартли ҳукм қилиш қонун билан белгиланган шартлар мавжуд бўлганда маълум синов муддати белгиланган ҳолда шахсни суд томонидан белгилаган жазони амалда ўташдан озод қилишдан иборат, ушбу муддат давомида маҳкум устидан суд томонидан қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини текшириш ва шахс унга кўрсатилган ишончни оқлаганлигини текшириш мақсадида нахорат амалга оширилади⁸.

Шартли ҳукм қилишни алоҳида жазо тури сифатида талқин қилиш ҳуқуқда анча кенг тарқалган нуқтаи назар ҳисобланади ва у кўп қарра танқид тиғи остига олинган. Шунга қарамай, ушбу назария тарафдорлари мавжуд ва улар ўз нуқтаи назарини мазкур институтнинг жазо институтига хос белгилар билан умумий жиҳатлари кўплиги билан асослайди. *Масалан*, А.И.Зубков шартли ҳукм қилишни жазо билан айнийлаштирар экан, уни

¹ Саркисова Э. О воспитательной работе с условно осужденными // Социалистическая законность, 1963. №12. – С. 48.

² Двойменный И.А. Проблемы исполнения условного осуждения в современных условиях. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 2000. – С. 58.

³ Бышевский Ю.В. К вопросу о юридической природе условного осуждения. Сб.: Научные труды Омской Высшей школы милиции МВД СССР. – Омск, 1972. – С. 99.

⁴ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения // Государство и право, 1999, №7. – С. 103.

⁵ Гаверов Г.С. Условное осуждение и его применение к несовершеннолетним правонарушителям. – Иркутск, 1993. – С. 52.; Ткачевский Ю.М. Юридическая природа условного осуждения // Уголовное право, 1999. №1. – С. 36.

⁶ Книженко О. Условное осуждение или система испытания // Законность, 2002. №9. – С. 40.

⁷ Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 52.

⁸ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Жазо тўғрисида таълимот. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. –Б. 189.

жиноят-ижроия ҳуқуқи институти ҳам ҳисобланади: “Шартли ҳукм қилиш моҳияти ва асл мазмунига кўра жазо деб эътироф этилади. Шартли ҳукм қилиш (жазодан озод қилиш) – амалда ахлоқ тузатиш-меҳнат хусусиятига эга бўлган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси, ИИВ турли тизимлари томонидан ижро этилади”¹. С.Ф.Милюков фикрига кўра, шартли ҳукм қилиш юридик жиҳатдан жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланган ҳолда, тобора реал жазога айланиб бормоқда, чунки у расмий статистикада жазо турлари билан бир қаторда кўрсатилади².

Дарҳақиқат, жазо сингари, шартли ҳукм қилиш ҳам фақат суд ҳукмига биноан тайинланадиган ва жазога хос бўлган муайян ҳуқуқий чеклашлар, масалан, судланганлик ҳолати билан боғлиқ давлат мажбурлови чораси ҳисобланади. Шартли ҳукм қилишни қўллаш жазо билан айтиб бир мақсадларни кўзлайди. Бундан ташқари, шўро ҳукуматининг шартли ҳукм қилишни тартибга солишга бағишланган дастлабки қонун ҳужжатларида мазкур институтга жазо сифатида қаралган³. Айрим чет эл мамлакатларининг шартли ҳукм қилишнинг баъзи бир турларини тартибга солишга бағишланган жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳам мазкур институт жазо турлари қаторига киритилган. Масалан, АҚШда айрим штатларда назорат – пробация билан бирга амалга ошириладиган шартли ҳукм қилиш асосий жазо турлари қаторига киритилган⁴. Бироқ, ҳуқуқий адабиётларда тўғри қайд этилганидек, ушбу чора жазога ўхшаш бўлса-да, ўз юридик моҳиятига кўра жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади⁵. Ҳар қалай, аксарият мамлакатларда шартли ҳукм қилиш институти жазо турлари қаторига киритилмаган (1925

¹ Зубков А.И. Советская исправительная система и основные направления перевоспитания осужденных. Сб.: Проблемы совершенствования исправительно-трудового законодательства и деятельности органов, исполняющих наказания. – М., 1991. – С. 5.

² Милюков С.Ф. Российская система наказаний. – СПб., 1998. – С. 44.

³ Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР 1917-1952 г.г. – М., 1953. – С. 119.

⁴ Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англия, США, Франция, Германия). – М.: Зерцало, 1997. – С. 139.

⁵ Дуюнов В.К. Проблемы уголовного наказания в теории, законодательстве и судебной практике. – Курск, 2000. – С. 114.

йилги Италия ЖК, 1947 йилги Япония ЖК), 1871 йилги ГФР ЖК, 1995 йилги Испания ЖК, 1992 йилги Франция ЖК).

Ўз-ўзидан равшанки, шартли ҳукм қилишни жазо билан айнийлаштириш унча тўғри бўлмайди, чунки иккала институтга ҳам хос бўлган хусусиятлар шартли ҳукм қилишнинг жазо сифатидаги юридик моҳиятини белгиламайди. Ушбу масалани тўғри ечиш учун жазонинг мақсадларини таҳлил қилиш зарур. 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖКда жазо ва унинг мақсадлари қуйидагича белгиланган: “Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

Ю.А.Бурканов фикрига кўра, “жазода ҳуқуқий чеклашлар мажмуи бевосита хусусият касб этади, шартли ҳукм қилишда эса у, биринчи навбатда, тарбиявий таъсир кўрсатиш билан алмаштирилган, жазо унсури эса потенциал хусусиятга эга, чунки у маҳкум жазони ўташдан озод қилиш шартларини бузган ҳолда амалга киради ва қоида эмас, балки истисно ҳолат ҳисобланади”¹. Бизнингча, бу янглиш фикр, чунки шартли ҳукм қилиш мажбурлов белгилари мавжудлигини мажбурий тартибда назарда тутати, зеро, ихтисослашган давлат органи шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни амалга оширади, улар ҳукмни чиқариш пайтида суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришлари устидан назорат олиб боради. Шартли ҳукм қилинганга суд томонидан юкланган мажбуриятлар рўйхатининг ўзиёқ мажбурлов ва жазо унсурларини ўз ичига олади. Шартли ҳукм қилишга мажбурий таъсир кўрсатиш элементларини ўз ичига

¹ Бурканов Ю.А. Юридическая природа и возможности расширения применения института условного осуждения. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 1998. – С. 54.

олган жазо тури сифатида қарайдиган бўлсак, мажбурий таъсир чоралари жиноятни содир этишда айбдорга жазо тайинлашда қўлланиш билан бир каторда, ҳуқуқ бошқа соҳаларининг нормаларида, масалан, жиноят-процессуал ҳуқуқида, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки яшаш жойини тарк этмаслик ҳақида тилхатни танлашда ҳам учрашини кўришимиз мумкин.

Мазкур нуқтаи назарнинг асоссизлиги яна шунда ҳам намоён бўладики, ушбу назария тарафдорлари амалда айблов ҳукмини жазо билан айнийлаштирадilar. Шартли ҳукм қилишнинг суд ҳукмига биноан қўлланиши ҳам уни жазога айлантормайди¹. Суд ҳукм чиқараётганда, масалан, маҳкумга жазо ҳисобланмайдиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни белгилаши мумкин.

В.А.Ломако, агар шартли ҳукм қилишни у жазо билан айна бир мақсадларни бажаришига асосланган ҳолда жазо деб эътироф этадиган бўлсак, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни ҳам жазо турлари деб топишимиз керак бўлишини таъкидлайди². Айна вақтда, шартли ҳукм қилишни қўллашда жазо мақсадларига эришилишини инкор этувчи мазкур муаллифнинг нуқтаи назари, бизнингча, янглишдир. У жазонинг мақсадлари суд ҳукмига биноан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари билан таъминланади, шартли ҳукм қилиш эса фақат ушбу мақсадларга эришишга кўмаклашади, деб ҳисоблайди. Ю.А.Бурканов эса, шартли ҳукм қилиш тайинланганда умумий превенция ва ижтимоий адолатни тиклаш функцияларининг таъсири сусайишини таъкидлайди³.

Аммо бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, тайинланган жазоларни амалда (реал) ўтамасдан уларнинг мақсадларига эришиш мумкин эмас, акс

¹ Ломако В.А. Применение условного осуждения. – Харьков, 1996. – С. 22.

² Ўша ерда.

³ Бурканов Ю.А. Юридическая природа и возможности расширения применения института условного осуждения. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 1998. – 55-б.

холда биз жазо мақсадларига жазоларнинг ўзини қўлламасдан эришилади, деган хулосага келишимиз лозим.

Айрим ҳуқуқшунослар умумий ва хусусий превенция масалаларини тадқиқ этар эканлар, шартли ҳукм қилиш умумий огоҳлантириш мақсадларини амалга ошириш имкониятини бутунлай истисно этади, деб ҳисоблайди¹. Бундай фикрларга қўшилиш қийин, чунки, адабиётларда кўп карра қайд этиб ўтилганидек, умумий ва хусусий огоҳлантириш диалектик жихатдан ўзаро боғланади ва бир-бирини тақозо этади. Шартли ҳукм қилиш, ҳомиладор аёллар ва ёш боласи бор аёлларга жазони ўташ муддатини кечиктириш сингари институтлар жиноий жавобгарликни амалга ошириш тизимига киради ва уларни амалда қўллаш ижтимоий адолат ҳақидаги тасаввурларни ҳам назарий (профессионал), ҳам ижтимоий онг даражасида шакллантириш билан боғланади. Шартли ҳукм қилинганлар рецидивни жазони тўлиқ ўтаганлар рецидивидан тўрт баравар пастлиги ҳам шартли ҳукм қилишнинг хусусий огоҳлантирувчи таъсири кучли эканлигини тасдиқлайди.

Жазо унсурлари, ҳеч шубҳасиз, жазонинг ҳар қандай турларига хос. Маҳкумни жазолаш, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш – жазонинг муқаррар белгилари. Бироқ, Г.С.Гаверов тўғри қайд этганидек, жазо турлари улардаги жазо унсурларининг моҳияти ва намоён бўлиш шаклларида кўра бир хил эмас². Шартли ҳукм қилишга татбиқан, у жазо унсурларидан холи, деб айтиш тўғри бўлмас эди. Н.Ф.Саввич ва В.И.Баландин ушбу масалани тадқиқ этар экан, шартли ҳукм қилиш маҳкумнинг бирон-бир ҳуқуқини бузмаслигини, макзур институт шартли ҳукм қилинганга уни ахлоқан тузатиш мақсадида махсус психолого-педагогик таъсир кўрсатишдан иборат эканлигини

¹ Сахаров А.Б. Планирование уголовной политики и перспективы развития уголовного законодательства. Сб.: Планирование мер борьбы с преступностью. – М., 1992. – С. 14.

² Гаверов Г.С. Условное осуждение и его применение к несовершеннолетним правонарушителям. – Иркутск, 1993. – С. 42-43.

таъкидлайди¹. Шунга қарамай, шартли ҳукм қилиш жазо унсурини ўз ичига олади, чунки, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бир қатор, шу жумладан судланганлик ҳолати билан боғлиқ ҳуқуқий чеклашларга (масалан, айрим фуқаролик ҳуқуқларининг чекланишига) сабаб бўлади.

Кўпгина ҳуқуқшунослар тўғри қайд этганидек, агар шартли ҳукм қилиш жазо ҳисобланади, деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдиган бўлсак, шартли ҳукм қилинган шахс айтиб бир жиноят учун икки марта жазоланади, деган тасаввур пайдо бўлади². Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди (Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг олтинчи ва саккизинчи қисмлари). Бу ҳолда маҳкум биринчи жиноят учун жазони икки марта ўтайди: биринчи марта шартли ҳукм қилиш тартибида ва иккинчи марта жазони реал, жазо муддатининг қўшилган қисми миқдорида ўташ тартибида. Сўнгги зикр этилган ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддаси иккинчи қисмининг ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги билан тўқнашади.

Бундан ташқари, 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖК кассация инстанцияси судларига суд ҳукмига биноан шартли ҳукм қилишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 43-моддасида назарда

¹ Баландин В.И. Эффективность освобождения от отбывания наказания при условном осуждении и отсрочке исполнения приговора. – Свердловск, 1998. – С. 13.

² Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М., 1990. – С. 13.

тутилган ҳар қандай жазо турлари (масалан, жарима, қамоқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) билан алмаштириш имконини бермайди.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши институтини тадқиқ этиш ҳам шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини аниқлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 78-моддасида мустаҳкамланган қоидага кўра, судланган ҳолати озодликдан маҳрум қилишдан енгилроқ жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазо ўталганидан кейин бир йил ўтгач тугалланади. Шартли ҳукм қилишга жазо сифатида қарайдиган бўлсак, бу ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиши озодликдан маҳрум қилишдан енгилроқ жазо ўталганидан кейин, хусусан бир йилдан сўнг белгиланиши лозим, чунки қолган судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда назарда тутилади. Айни вақтда, жиноят қонунида судланганлик ҳолати шартли ҳукм қилинганларга нисбатан синов муддати тугаган кундан бошлаб тугалланиши белгиланган.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик нормаларига кўра, синов муддати суд ҳукми чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қонуннинг мазкур қоидаси шартли ҳукм қилишга жазо турларидан бири сифатида қараш имкониятини истисно этади, чунки жазо фақат ҳукм қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан ижро этила бошлайди. Шартли ҳукм қилиш жазо деб эътироф этилган тақдирда суд томонидан белгиланган синов муддати ҳам ҳукм қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб ҳисобланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида шундай деб кўрсатилган: “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳуқуқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга

келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради”. Шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳиятини ҳукмни ижро этмаслик сифатида тушуниш жиноий жавобгарлик ва жазони амалга ошириш умумий принципларига зиддир. Амалда шартли ҳукм қилиш қўлланганда маҳкум суд томонидан ўзига юкланган мажбуриятларни бажаради, эҳтиёт чораси (масалан, яшаш жойини тарк этмаслик ҳақида тилхат, қамоққа олиш) бекор қилинади. Маҳкум ўзига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки янги жиноят содир этган ҳолда суд ё синов муддатини узайтириш, ё уни бекор қилиш ва, тегишли равишда, ҳукм бўйича тайинланган жазони ижро этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Агар ҳукм ижро этилмаган бўлса, шартли ҳукм қилинган шахсда судланганлик ҳолати қандай пайдо бўлиши ва синов муддати амалда қандай ўтиши тушунарсиз бўлиб қолади. Шартли ҳукм қилиш қўлланганда суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳам, фақат реал ўталадиган қўшимча жазолар ҳам тайинланиши мумкин.

Жиноят-ҳукукий адабиётларда шартли ҳукм қилиш ўз табиатига кўра жазони ўташ (ижро этиш)нинг алоҳида тартиби ҳисобланади, деган фикр ҳам илгари сурилган¹. Айрим тадқиқотчилар шартли ҳукм қилишга жазони шарт остида ижро этмаслик сифатида қарайдилар². Бизнингча, бу нуқтаи назарларда жиноят-ҳукукий институт жиноят процессига таалуқли бўлган категориялар билан аралаштириб юборилган. Шартли ҳукм қилишнинг мақсади жазони ўтамасдан маҳкумни ахлоқан тузатишдан иборат (ЖК 72-моддаси). Суд томонидан тайинланган жазо реал ўталмайди, бинобарин, кўриб чиқиладиган ҳолда жазони ўташ (ижро

¹ Бриллиантов А.В., Потемкина А.Г., Ружников А.Н. Исполнение условного осуждения и условного освобождения с обязательным привлечением к труду. – М., 1992. – С. 11.

² Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения // Государство и право, 1999, №7. – С. 103.

этиш)нинг бирон-бир алоҳида тартиби юз беради деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий табиатига жазони ижро этишни кечиктириш сифатида қарашга асосланган ёндашув ҳам мавжуд. Шу нарса диққатга сазоворки, 1999 йиги Беларусь Республикаси ЖКда ном жиҳатидан ўхшаш бўлган, жазонинг ижросини кечиктирган ҳолда ҳукм қилишни назарда тутадиган норма (77-модда) мавжуд. Бундан ташқари, мазкур Кодексга шартли ҳукм қилиш – жазони шартли равишда қўллмасдан ҳукм қилиш тўғрисидаги норма ҳам киритилган (78-модда). Мазкур нормалар, моҳият эътибори билан, шартли ҳукм қилишнинг турлари ҳисобланади, улар ўзини қўллаш асослари ва механизмига кўра амалда мос келади. Япония жиноят ҳуқуқида ҳам жазонинг ижросини кечиктириш тўғрисидаги норма мавжуд. Япония ЖКда шартли ҳукм қилиш мазкур турининг фарқи шундаки, ижрони кечиктириш жазонинг икки асосий тури: мажбурий меҳнат билан ёки мажбурий меҳнатсиз озодликдан маҳрум қилиш ёки жиноят учун жарима тайинланган ҳолда қўлланилади. Бунда унинг мудати бир йилдан беш йилгача белгиланади ва жазонинг ижросини кечиктириш муддати яхши ўтган ҳолда жазо ижро этилмайди (ЖК 25-моддаси).

Шартли ҳукм қилишнинг юридик моҳияти ҳақида гапирганда, унга тарбиявий хусусиятга эга бўлган алоҳида восита сифатида қараган, шунингдек уни жамоатчилик таъсири чораларидан бири деб ҳисоблаган ҳуқуқшунослар фикрини четлаб ўтиш мумкин эмас. Шартли ҳукм қилиш тарбиявий таъсирни ўзида мужассамлаштиргани ҳеч кимга сир эмас. Аммо шартли ҳукм қилишга нисбатан мазкур ёндашув ҳаддан ташқари тор ва унинг юридик моҳиятини тўлиқ ёритмайди. Шартли ҳукм қилишга жамоатчилик таъсири чораси сифатида қараш эса мутлақо асоссиз.

О.Книженко кўриб чиқиладиган институтнинг юридик моҳиятига тавсиф берар экан, шартли ҳукм қилиш жиноят ҳуқуқининг ҳам жазо, ҳам жазодан озод қилиш, ҳам жазони қўллашнинг алоҳида тартиби

унсурларини ўзида бирлаштирган мустақил институти сифатида қаралиши лозим, деб ҳисоблайди¹. А.Б.Виноградов шартли ҳукм қилишни жиноий жавобгарлик чораси сифатида тавсифлайди. Унинг фикрича, ушбу чора шартли равишда ижро этилмайдиган асосий жазони тайинлаш ва маҳкумни ахлоқан тузатиш мақсадида унга синов муддати мобайнида унинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш орқали жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади².

Бизнингча, шартли ҳукм қилишга мустақил институт ёки алоҳида тартибда амалга ошириладиган жиноий жавобгарлик чораси сифатида ёндашиш тўғри бўлмайди. Шартли ҳукм қилиш жиноят ҳуқуқи институтларидан бири ва жиноий жавобгарлик тури ҳисобланиши шакл-шубҳасиз, бироқ мазкур ҳолатлар ушбу чоранинг ўзига хос хусусиятларини намоён этадиган ва уни бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари, масалан, жазодан фарқлаш имконини берадиган юридик моҳияти тўғрисидаги масалани ҳал этмайди.

Аксарият ҳуқуқшунослар шартли ҳукм қилиш – бу жазони реал ўташдан шартли равишда озод қилиш, деган нуқтаи назарга қўшилади³. Таҳлил қилинаётган институтни бундай тушуниш унинг моҳиятини тўғрироқ ёритиш имконини беради, чунки, конундан англашилишича, суд Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган чоралардан бирини тайинлагач, маҳкум жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган хулосага келиши лозим ва бу ҳолда у тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади. Айни шу ҳуқуқий қоидада кўпгина ҳуқуқшунослар маҳкумни жазони амалда ўташдан озод қилиш билан тавсифланадиган жиноий жавобгарликни амалга ошириш усулини кўрадилар⁴. Бунда шуни ёдда

¹ Книженко О. Условное осуждение или система испытания // Законность, 2002. №9. – С. 40.

² Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 52.

³ Курченко В.Н. Уголовно-правовые и криминологические аспекты условного осуждения. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Свердловск, 1997. – С. 8.

⁴ Бурканов Ю.А. Юридическая природа и возможности расширения применения института условного осуждения. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 1998. – С. 55.

тутиш лозимки, суд асосий жазони тайинлаш вақтида шартли ҳукм қилинганга модданинг санкциясида назарда тутилган қўшимча жазони белгилаши ҳам мумкин ва у 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖКга биноан фақат реал ижро этилиши лозим.

Биз шартли ҳукм қилиш асосий жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш, уни жазодан озод қилиш турларидан бири, деб ҳисоблайдиган ҳуқуқшунослар фикрига қўшиламиз.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса сифатида шартли ҳукм қилиш институтига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Шартли ҳукм қилиш – бу тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазосини ўтамасдан туриб ҳам айбдор шахснинг хулқини тузатиш мумкин бўлган, айбдор шахснинг суд томонидан белгиланган синов муддати давомида ва белгиланган шартлар асосида ўзининг қатъий тузалиш йўлига ўтганлигини исботлашини талаб этувчи жазони ижро этмаслик тўғрисидаги суд қарори (ҳукми) шаклидаги жазодан озод қилиш институтларидан биридир”.

2. Шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи

Шартли ҳукм қилиш институтининг ривожланиш тарихи бир қатор босқичларни босиб ўтган. Мазкур фикримизнинг исботи сифатида, шартли ҳукм қилишнинг айрим белгилари шариат қонун қоидалари амал қилган даврдан буён амалда бўлганини ва бугунги кунгача унинг қатор ўзгартириш ва ислоҳ қилиш натижаларининг маҳсули эканлигини қайд этиш жоиздир.

Шартли ҳукм қилишнинг белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, асосий эътиборимизни мамлакатимизда жиноят қонунчилиги кодификация даврларга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

М.Усмоналиев қайд этганидек, мазкур институт Собик совет иттифоқининг дастлабки жиноят қонунларидаёқ акс эттирилган ҳамда 1918 йил 7 мартда қабул қилинган суд ҳақидаги иккинчи декретда жиноят-ҳуқуқий институт сифатида биринчи марта белгиланган¹. Қайд этиш жоизки, ўша пайтларда РСФСР Марказий Ижроия қўмитаси Халқ комиссарлар Советнинг жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмига доир декретлари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлари Туркистон АССР ҳудудида АССР Марказий Ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлар Советнинг махсус қарори билан ёки тўғридан-тўғри автоном республикага жорий этилаверар эди². Жумладан, 1922 йил 24 майда РСФСРнинг ЖК қабул қилинди ва 1922 йил 21 июлда Туркистон Марказий Ижроия қўмитасининг 1922 йилги РСФСР Жиноят Кодексининг Туркистон АССР ҳудудида ҳам амал қилиши тўғрисида қарори қабул қилинди³. Кейинчалик мазкур кодекс Бухоро ва Хоразм ХССРларига ҳам жорий этилди⁴. Демак, ушбу кодекс мамлакатимиз ҳудудида де-факто амал қилган биринчи кодекс ҳисобланади. 1919 йилги Асосий қўлланма ва 1922 йилги ЖКда ҳам шартли ҳукм қилишга доир қоидалар мустаҳкамланган эди⁵.

Кейинги қонун ҳужжати сифатида Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги Жиноят Кодексини келтиришимиз мумкин⁶. 1926 йилги кодекс 1960 йил 1 январгача амалда бўлди. 1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССРнинг янги ЖК қабул қилинди ва ушбу кодекс 1960 йил 1 январдан кучга кирди⁷.

Мазкур Кодекснинг 43-моддасида шартли ҳукм қилиш бўйича норма келтирилган бўлиб, унга кўра, “агар суд озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги жазони белгилаганида ишдаги ҳолатларни ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб, белгиланган жазони

¹ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 265.

² Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 26.

³ Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 49.

⁴ Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. Т.2. – Ташкент: АН Узбекистан ССР, 1960. – С. 406.

⁵ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 265.

⁶ Уголовный кодекс Узбекской ССР. // юридич. изд. НКЮ УзССР. 1926 г.

⁷ Уголовный кодекс Узбекской ССР. // 21 мая 1959 г. “Узбекистон” – Тошкент: 1977, - с. 209.

айбдорнинг ўташи мақсадга мувофиқ эмас, деган қатъий фикрга келса, ҳукумда шартли ҳукм қилишнинг албатта сабабларини кўрсатиб, айбдорга нисбатан жазони шартли равишда қўллагаслиқ тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бу ҳолда, агар маҳкум суд томонидан белгиланган синов муддати давомида яна қасддан жиноят содир қилмаса, суд ҳукми ижро этмасликка қарор қилади.

Шунингдек, ушбу кодексга кўра, шартли ҳукм қилинган вақтда айбдорнинг синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланади, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида яна қасддан жиноят қилиб, бунинг учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган тақдирда суд унга ушбу Кодекснинг 41-моддасида кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо белгилайди. Шартли ҳукм қилишда штрафдан бошқа қўшимча жазо қўлланиши мумкин эмас. Шартли ҳукм қилинган шахсларни ўқитиш ва уларнинг ахлоқи устидан умумий контроллик қилиб бориш суд томонидан амалга оширилади. Ишнинг ҳолатларини, айбдорнинг кимлигини, шунингдек айбдор ишлаб турган жойдаги жамоат ташкилотлари ёки ишчилар, хизматчилар, колхозчилар коллективининг айбдорнинг шартли равишда ҳукм қилиш тўғрисидаги илтимосларини ҳисобга олиб, суд шартли ҳукм қилинган шахсни қайта тарбиялаш ва ахлоқини тузатиш учун мазкур ташкилотлар ва коллектив ихтиёрига топшириши мумкин.

Агар суд шартли равишда ҳукм қилишни бундай илтимослар бўлмаган ҳолда қўллаган тақдирда, у жамоат ташкилоти ёки меҳнаткашлар коллективининг розилигини олган ҳолда шартли равишда ҳукм қилинган шахсни кузатиб туриш ва у билан тарбиявий иш олиб бориш вазифасини мазкур жамоат ташкилоти ёки меҳнаткашлар коллективининг зиммасига юклаши мумкин.

Шартли равишда ҳукм қилинган шахс устидан кузатиб юриш вазифаси топширилган жамоат ташкилоти ёки меҳнаткашлар коллективининг илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов

муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги масала шу муддатнинг камида яrimi ўтгандан кейин қўйилиши мумкин”¹.

43-модда Ўзбекистон ССР Олий Президиумининг 1982 йил 31 декабрь, 1983 йил 31 март, 1984 йил 1 мартдаги Фармони асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган². Унга кўра, шартли равишда ҳукм қилинганда сургин, бадарға ва мол-мулкани мусодара қилишдан ташқари бошқа қўшимча жазолар ҳам тайинлаши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилди.

1991 йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, янги давлат тузуми, янги ижтимоий-иқтисодий тузум ва бозор муносабатларига асосланган Ўзбекистон Республикасида янги Жиноят кодекси қабул қилиш зарурати юзага келди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш, энг аввало, шахс, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа узвий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун шароит яратила бошлади. Юртбошимиз ҳам таъкидлаганидек, “мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда”³.

¹ 43-модда 1970 йил 29 январь Фармони таҳрирда берилган (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Вedomостлари, 1970 йил, 4-сон).

² Ўзбекистон ССР Олий Президиумининг 1984 йил 1 мартдаги Фармони таҳририда – Ўзбекистон ССР Олий Советининг Вedomостлари, 1984 йил, № 7, 107-м.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

1994 йил 22 сентябрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк Жиноят кодекси қабул қилинди ва мазкур Кодексда шартли ҳукм қилиш Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидаги шартли ҳукм қилишдан фарқли равишда қабул қилинди. Хусусан, мазкур Кодекснинг 72-моддасида “шартли жазо белгилаш” тартибида қабул қилинди. Шунингдек, мазкур модда 1996 йил 27 декабрда янги таҳрирда қабул қилинди.

Демак, юқорида қайд этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун нормаларининг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

1) 1917 йилдан 1926 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институти жиноят ҳуқуқига киритилди. Ушбу даврда РСФРда қабул қилинган ҳужжатлар де-факто мамлакатимиз ҳудудида ҳам амалда бўлди;

2) 1926 йилдан 1982 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилишга оид нормалар мамлакатимизда кодификация қилинган жиноят қонуни тизимида назарда тутилди;

3) 1982 йилдан 1994 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш имкониятини кенгайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилди;

4) 1994 йилдан 1996 йилгача бўлган давр – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодексида ушбу институт жиноят қонунида илк маротаба мустаҳкамланган жиноят қонунининг принциплари асосида “шартли жазо белгилаш” сифатида қайта шакллантирилди;

5) 1996 йилдан ҳозиргача бўлган давр – мазкур институт шартли ҳукм қилиш тарзидаги жазодан озод қилиш турларидан бири сифатида тўлиқ шакллантирилди ва уни қўллаш бўйича қонуний асослар кенгайтирилди.

I боб бўйича хулоса:

1. Биз шартли ҳукм қилиш асосий жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш, уни жазодан озод қилиш турларидан бири, деб ҳисоблайдиган ҳуқуқшунослар фикрига қўшиламыз.

2. Шартли ҳукм қилиш қилиш институтига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилди:

“Шартли ҳукм қилиш – бу тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазосини ўтамасдан туриб ҳам айбдор шахснинг хулқини тузатиш мумкин бўлган, айбдор шахснинг суд томонидан белгиланган синов муддати давомида ва белгиланган шартлар асосида ўзининг қатъий тузалиш йўлига ўтганлигини исботлашини талаб этувчи жазони ижро этмаслик тўғрисидаги суд қарори (ҳукми) шаклидаги жазодан озод қилиш институтларидан биридир”.

2. Шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун нормаларининг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин: 1) 1917 йилдан 1926 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институти жиноят ҳуқуқига киритилди. Ушбу даврда РСФРда қабул қилинган ҳужжатлар де-факто мамлакатимиз ҳудудида ҳам амалда бўлди; 2) 1926 йилдан 1982 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилишга оид нормалар мамлакатимизда кодификация қилинган жиноят қонуни тизимида назарда тутилди; 3) 1982 йилдан 1994 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш имкониятини кенгайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилди; 4) 1994 йилдан 1996 йилгача бўлган давр – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодексида ушбу институт жиноят қонунида илк маротаба мустаҳкамланган жиноят қонунининг принциплари асосида “шартли жазо белгилаш” сифатида қайта шакллантирилди; 5) 1996 йилдан ҳозиргача бўлган давр – мазкур институт шартли ҳукм қилиш тарзидаги жазодан озод қилиш турларидан бири сифатида тўлиқ шакллантирилди ва уни қўллаш бўйича қонуний асослар кенгайтирилди.

II БОБ. ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Шартли ҳукми қўллаш асослари

Ҳар қандай ҳуқуқий институтнинг таъсирчанлиги у фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга қай даражада кўмаклашиши нуқтаи назаридан баҳоланади. Жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасининг самарадорлиги у қай даражада одилона тайинлангани билангина эмас, балки уни қўллашнинг асослилиги билан ҳам белгиланади. Ҳозирги вақтда кузатилаётган рецидив жиноятчиликнинг ўсиши, шу жумладан шартли ҳукм қилинганлар орасида ҳам рецидивнинг мавжудлиги асосан судлар томонидан кўпгина жиноят-ҳуқуқий институтлар, шу жумладан шартли ҳукм қилиш институтининг ҳам нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ.

Бу масалани тадқиқ этишда, энг аввало, шартли ҳукм қилишни қўллаш асосларини аниқлаш лозим.

Қонунга мувофиқ, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖК билан таққослаганда, 1994 йилги ЖКда шартли ҳукм қилишни қўллаш имконияти тайинлаш вақтида суд шартли ўташ тўғрисида ҳукм чиқариши мумкин бўлган жазо турларини кўпайтириш йўли билан кенгайтирилди.

Ҳуқуқ назарияси ва уни қўллаш амалиёти шартли ҳукм қилишни қўллаш асослари тўғрисидаги масалани ечишга нисбатан турлича ёндашади. ЖК 72-моддасида шартли ҳукм қилиш институтини қўллашнинг битта асоси – суд маҳкум тайинланган жазони ўтамасдан

туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиши назарда тутилган. Табиийки, қонуннинг бундай мужмал таърифи шартли ҳукм қилиш тўғрисида нисбий категориялар нуқтаи назаридан сўз юритиш имконини беради. Бинобарин, амалдаги қонунда шартли ҳукм қилиш институтини қўллашнинг аниқ асослари мавжуд эмас.

Умуман олганда, шартли ҳукм қилиш асослари тўғрисидаги масала юриспруденция соҳасида баҳсли бўлиб қолаётир ва ушбу муаммо хусусида турли нуқтаи назарлар мавжуд.

Аксарият олимлар ўз мулоҳазаларида қонуннинг шартли ҳукм қилиш учун асос бўлиб суд маҳкум тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга, хулосага келгани хизмат қилишидан келиб чиқади¹.

Аммо мазкур нуқтаи назар асосли равишда танқид қилинган, чунки суднинг маҳкум тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган хулосаси айбдорнинг қилмиши ва шахсияти билан боғлиқ омиллар таҳлилига таяниши лозим.

Бу борада М.Усмоналиев шартли ҳукмни қўллаш учун жиноятнинг хусусияти, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси, ишдаги бошқа ҳолатлар² тарзидаги тўрта ҳолатни эътиборга олиш лозимлигини қайд этади.

Шартли ҳукм қилишни қўллаш имкониятини судья объектив омилларни ҳисобга олмасдан ўз ихтиёрига кўра ҳал қилиши эса қонунсизлик ва суднинг ўзбошимчалигига олиб келиши муқаррардир³. Албатта, шартли ҳукм қилишни қўллашда суднинг аҳамиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, чунки жиноятчини ахлоқан тузатиш ва ижтимоий адолатни тиклаш мақсадларига тўла мос келадиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини танлаш тўғрисидаги масалани айнан у ҳал қилади. Бироқ, бунда

¹ Горайнова Е.А. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора // Правоведение, 1987. №3.- С. 93.

² Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 270.

³ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 73.

судьянинг ўз ихтиёрига кўра иш кўриш имкониятини устун қўйиш мумкин эмас. Бу асосий ҳуқуқий принцип – қонунийликнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин¹.

Шунга ўхшаш фикрни А.В.Бриллиантов ҳам илгари суради: у шартли ҳукм қилишни қўллашни икки асос – суд томонидан тайинланган жазо тури ва маҳкумнинг хулқини у жазони ўтамасдан туриб ҳам тузатиш мумкинлиги билан боғлайди².

Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин, чунки Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида назарда тутилган асосий жазо турларидан бирининг тайинланиши ўз-ўзича шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўла олмайди. Бизнингча, айти ҳолда фақат шартли ҳукм қилишни қўллаш шарт-шароитлари тўғрисида сўз юритиш мумкин, чунки қонун ЖК 72-моддасини кўрсатилмаган, бироқ ЖК 43-моддасида назарда тутилган бошқа жазо турларини белгилашда мазкур институтни тайинлашни чеклайди.

Мазкур масалани тадқиқ этар экан, Г.А.Кригер ва Э.А.Саркисова шартли ҳукм қилишни қўллаш учун қуйидаги икки асос мавжуд бўлиши лозим, деган хулосага келади: объектив асос – содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори эмаслиги; субъектив асос – жиноятчи шахсининг унча хавфли эмаслиги³. Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин, чунки муаллифлар шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш имкониятини икки асос – объектив ва субъектив асосларнинг мавжудлиги билан боғлайди. Ваҳоланки, ушбу тушунчаларни фарқлаш шартли ҳукм қилишни амалда қўллаш доирасининг торайишига олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатларни фарқламаслик, балки уларни бир-бирига боғлаб тадқиқ этиш, ҳар бир муайян вазиятда шартли ҳукм қилишнинг ягона асоси ҳақида гапириш, бизнингча, ўринли бўлади.

¹ Сахаров А.Б. Планирование уголовной политики и перспективы развития уголовного законодательства. – М., 1992. – С. 10-11.

² Бриллиантов А.В. О некоторых аспектах дифференциации наказания. – М., 2000. – С. 101.

³ Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 1993. – С. 20.

Аксарият жиноят-ҳуқуқий адабиётларда илгари сурилган фикрга кўра, шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўлиб “айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта эмаслиги”¹ хизмат қилади. В.Н.Баландюк шартли ҳукм қилиш фақат суд ишнинг барча ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан юқори эмас, деган хулосага келган ҳолда қўлланилиши мумкин², деб ҳисоблайди.

Албатта, айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори эмаслиги суд жазо тайинлашда ва шартли ҳукм қилишни қўллашда инобатга оладиган муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, В.А.Ломако тўғри таъкидлаганидек, айбдорнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисидаги масалани у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш билан боғламасдан ҳал қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолатдир³. Бундан ташқари, қонун шартли ҳукм қилишни қўллашда “шахснинг ёки (ва) қилмишнинг унча хавфли эмаслиги”ни ҳисобга олишни талаб қилмайди.

В.А.Ломако фикрига кўра, шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос қилмишнинг ва айбор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта эмаслиги ҳисобланади ва ушбу омиллар биргаликда у ўзига тайинланган жазони ўташи мақсадга мувофиқ эмаслигидан дарак беради⁴. Дарҳақиқат, суд кўпинча шартли ҳукм қилишни қўллашда содир этилган қилмиш ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта эмаслигига ҳавола қиладилар. Бизнингча, унча оғир бўлмаган ёки ўртача оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкинлиги шак-шубҳасиздир.

Бироқ, амалдаги жиноят қонунчилиги шартли ҳукм қилишни қўллашни бирон-бир шартлар билан чекламайди. Қонун фақат шартли

¹ Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 115-116.

² Баландюк В.Н. Некоторые вопросы практики применения условного осуждения. – Омск 1996. – С. 134.

³ Ломако В.А. Условное осуждение. – Харьков, 1992. – С. 15.

⁴ Ломако В.А. Применение условного осуждения. – Харьков, 1996. – С. 30.

ҳукм қилишни тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олишни талаб қилади (ЖК 72-моддаси 1-қисми). Қонун таърифининг ўзи жиноий қилмиш “ижтимоий хавфлилик даражасининг катталиги” шартли ҳукм қилишни қўллаш учун тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас, деган хулосага келиш имконини беради.

Илгари адабиётларда шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўлиб битта бўлса ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолатнинг мавжудлиги¹ ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йиғиндиси хизмат қилиши мумкин², деган фикр илгари сурилган.

Амалиёт чиндан ҳам судлар шартли ҳукм қилишни қўллашни асослашда албатта жазони енгиллаштирувчи муайян ҳолатлар мавжудлигига ҳавола қилишларини кўрсатади.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар сингари ҳуқуқий категорияларни бир-биридан ажратиб тадқиқ этиш ёки баҳолаш мезонларидан бирини бошқасидан устун қўйиш, бизнингча, тўғри бўлмайди. Бундай нуқтаи назар ҳеч қачон судга шартли ҳукм қилишни қўллаш тўғрисида адолатли қарор қабул қилиш имконини бермайди.

Айрим олимлар суд жиноий жавобгарлик мақсадларига озодликдан маҳрум қилишни амалда ижро этмай туриб эришиш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқариши учун зарур ва етарли бўлган фактик ҳолатлар йиғиндиси шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос ҳисобланади, деган фикрни илгари сурадилар³. Г.С.Гаверов шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос сифатида тайинланган жазони ўташ мақсадга мувофиқ

¹ Шаргородский М.Д. Наказание по советскому уголовному праву. – М., 1958. – С. 157-158.

² Шнейдер М.А. Назначение наказания по советскому уголовному праву. – М., 1957. – С. 96.

³ Музеник А.К., Уткин В.А., Филимонов О.В. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – Томск, 1990. – С. 18.

эмаслигидан далолат берувчи ишнинг ҳолатлари ва айбдорнинг шахси амал қилиши мумкинлигини қайд этади¹.

Бизнингча, кўрсатилган олимларнинг мазкур нуқтаи назари шартли ҳукм қилишни қўллаш асослари ҳақидаги тўғри ёндашувга якин туради, бироқ у ҳам муайян камчиликдан холи эмас. Ишнинг ҳолатлари ҳақида гапирганда, шуни назарда тутиш керакки, суд шартли ҳукм қилишни ҳар қандай эмас, балки айнан айбдорнинг хулқини у асосий жазони амалда ўтамай туриб ҳам тузатиш мумкинлигидан далолат берувчи аниқ маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда қўллаши мумкин. Бинобарин, юқорида кўрсатилган ҳуқуқшунос олимларнинг шартли ҳукм қилишни қўллаш асослари ҳақидаги фикри, бизнингча, ҳаддан ташқари кенг.

Биз содир этилган жиноят ва айбдор шахсининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига тегишли бўлган, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишга асосланган ҳолатлар шартли ҳукм қилишни қўллаш асослари ҳисобланади², деб ҳисоблайдиган олимлар фикрига қўшиламыз.

Амалиёт шартли ҳукм қилиш асослари бўлиб жиноят ва айбдор шахсга тегишли бўлган ҳар қандай объектив ва субъектив ҳолатлар хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатади. Қонун таърифидан кўринадикки, шартли ҳукм қилишни қўллаш имкониятлари мезонлари нисбий категориялар билан боғланади, чунки ҳар бир алоҳида вазиятда жиноятни содир этиш ҳолатлари, унинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек жиноятчининг шахсий хусусиятлари ҳар хил бўлади. Адабиётларда мавжудлиги шартли ҳукм қилишни қўллаш имконини берадиган одатдаги белгилар рўйхатини келтириш ва уларни таснифлашга уринишлар бўлган. Айрим муаллифлар бундай белгиларни объектив ва субъектив белгиларга ажратадилар. Объектив белгилар қаторига улар, масалан, тажовуз объекти ва предметининг кам аҳамиятлилиги, жиноят содир этиш усулининг

¹ Гаверов Г.С. Условное осуждение и его применение к несовершеннолетним правонарушителям. – Иркутск, 1993. – С. 92.

² Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 82.

алоҳида шароитлари, оғир оқибатларнинг йўқлиги, жиноятларни содир этишда иккинчи даражали роль ўйнаганлик ва ҳоказоларни, субъектив белгиларга эса, айб шакли ва даражаси, жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсадлари, жиноят содир этгунга қадар ижобий хулқ-атвор билан тавсифланганлик ва ҳоказоларни киритадилар¹. Аммо суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг тўлиқ рўйхатини бериш, бизнингча, мумкин эмас.

Амалда шартли ҳукм қилишни қўллаш имконини берадиган айниқса кўп учрайдиган ҳолат жиноятни биринчи марта содир этганлик ҳисобланади. Ю.М.Ткачевский таъбири билан айтганда, ушбу ҳолат содир этилган жиноятнинг тасодифий хусусиятидан дарак берувчи ҳолат сифатида баҳоланади². Тугалланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги, қоида тариқасида, судьяларда криминал мойилликларнинг турғунлигига ишонч уйғотади. Аммо жиноятни биринчи марта содир этганлик ҳолатининг ўзи шартли ҳукм қилишни қўллаш учун шак-шубҳасиз асос бўлиб хизмат қила олмайди, чунки шахснинг ижтимоий хавфлилигини доим ҳам объектив акс эттирмайди. Айбдорнинг шахси тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ва у жиноий қилмиш содир этишига имкон берган шарт-шароитларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Амалда кўп учрайдиган шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асослардан бири ўз айбига иқрор бўлиб арз қилганлик ёки ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганлик ҳисобланади. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги айбдорнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси унча катта эмаслигидан, жиноятчининг хулқини тузатиш мақсадларига реал жазони қўлламасдан эришиш мумкинлигидан дарак беради. Айбдор жиноят содир этгандан кейин ўз қилмишининг қонунга ҳилофлигини англаб етгани, маънавий изтиробларга тушгани судга мазкур шахс келажакда янги жиноят содир этиши эҳтимоли озлиги ҳақида тўғри хулосага чиқариш

¹ Ломако В.А. Применение условного осуждения. – Харьков, 1996. – С. 32.

² Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М., 1990. – С. 40.

имконини беради. Шартли ҳукм қилишни қўллаш бу ерда мутлақо ўринли бўлади. Аммо бундай вазиятларда судлар шахс ўз айбига оғзаки иқдор бўлганига ва ҳатто ўз қилмишидан пушаймон эканлигини билдирганига учмаслиги керак. Шахснинг юқорида кўрсатилган ҳолатларни амалда тасдиқловчи хусусиятлари, чунончи: жабрланувчига етказилган зарарни колагани, ундан узр сўрагани, жиноятни содир этгандан кейин аниқ ёрдам кўрсатгани ва шу кабиларни аниқлаш зарур.

Аммо, биргина шу ҳолатнинг ўзи иш бўйича мавжуд бошқа ҳолатлар йиғиндисидан алоҳида қаралганда шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўла олмайди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: айбдор ўз айбига иқдор бўлмаган, ўз қилмишидан пушаймон эканлигини билдирган бўлмаса, шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкинми? Г.А.Кригер ўз қилмишидан пушаймон бўлмаган шахсларга нисбатан шартли ҳукм тайинлаб бўлмайди, деб ҳисоблаган¹. Бир томондан, бу нуқтаи назар тўғри, чунки гап содир этилган жиноятга ички муносабат ҳақида боради, бунда ўз ҳаракатларининг қонунга ҳилоф эканлигини тушуниш тайинланган жазони ўтамасдан ўз айбини ювиш учун имконият яратади. Айбига иқдор бўлмаганлик аксарият ҳолларда айбдор ўз ҳулқ-атворининг номақбуллигини тушуниб етмаганидан, қонунга бўйсунгани истамаслигидан, демак, ахлоқан тузалиши мумкин эмаслигидан дарак беради. Бошқа томондан, суд амалиётида ўзининг айбдорлигини, масалан, уят ҳисси ёки нотўғри тушунилган ўзини ўзи ҳимоя қилиш позицияси таъсирида қатъий рад этган шахслар шартли ҳукм қилинган ҳоллар маълум². Л.Н.Вишневская фикрига кўра, шартли ҳукм қилиш фойдасига гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар — қилмишнинг кам аҳамиятлилиги, шунингдек ижобий тавсифланиш, вояга етмаган болалари борлиги ва

¹ Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 1993. – С. 33.

² Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М., 1990. – С. 45.

хоказолар мавжуд бўлган ҳолда ўз айбига иқроф бўлмаганлик шартли ҳукм қилишни тайинлашга етарли тўсиқ бўлиб хизмат қила олмайди¹.

Айбдорнинг ижобий тавсифланиши шартли ҳукм қилишни қўллаш асосларидан бири ҳисобланади. Суд судланувчига унинг иш ёки ўқиш жойидан, яшаш жойидан берилган тавсифловчи маълумотларни аниқлаши, суд мажлисида судланувчининг ҳамкасблари, қўшнилари, кариндошларини сўроқ қилиш – буларнинг барчаси айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ижобий тавсифнома шахснинг салбий хусусиятлари йўқлиги ҳақидаги ишора (“илгари судланмаган”, “уйда яшовчи бошқа шахслардан шикоятлар тушмаган” ва ш.к.)га эмас, балки унинг амалда мавжуд бўлган ижтимоий фойдали хусусиятлари, чунончи: меҳнатга муносабати, жамиятдаги хулқ-атвори, рағбатлантиришларнинг мавжудлиги ва хоказоларга асосланиши лозим. Айбдорнинг кундалиқ ҳаётда, ишда ахлоққа зид ёки қонунга хилоф хулқ-атвори аниқланган ҳолда, шартли ҳукм қилишни қўллаш, ҳеч шубҳасиз, асоссиз бўлади.

Амалда шахс баъзан ҳам ижобий, ҳам салбий тавсифланади (масалан, яшаш жойи бўйича ва иш жойи бўйича). Бундай ҳолларда шартли ҳукм қилишни қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш янада қийинлашади. Бу ерда судлар айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган, унинг турмуш тарзини тўлақонли акс эттирадиган, мазкур шахснинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, жиноят тасодиф натижаси бўлгани ҳақида хулоса чиқариш имконини берадиган маълумотларни афзал кўришлари лозим.

Шартли ҳукм қилишни қўллаш амалиётини ўрганиш судлар мазкур чорани қўллаш асослари сифатида олган ҳолатлар орасида айбдорнинг шахси ҳақидаги маълумотлар улуши катта эканлигини кўрсатади. “Айбдорнинг шахсини ўрганиш унинг хулқ-атворини прогноз қилиш

¹ Вишневская Л.Н. Основания назначения условного осуждения. – Петрозаводск, 1993. – С. 263.

имконини беради ва бу индивидуал жиноят-хукукий таъсир чорасини тайинлаш, шунингдек кецинчалик айбдорнинг хулқини тузатиш ишини ташкил этиш учун зарур...”¹. Аксарият хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги сиёсати жазони индивидуаллаштириш масалаларида алоҳида олинган шахснинг юридик аҳамиятини устун қўйишга асосланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, у ёки бу хукукий чорани қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда шахснинг ёши, тарбияси, хулқи, жиноят содир этишдан олдинги хулқ-атвори, жиноятга қўл уришига туртки берган омиллар, шунингдек жиноятчининг барча индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни амр этувчи Аргентина жиноят қонунчилиги диққатга сазовор. Бундан ташқари, Аргентина ЖК судьяга айбланувчи, жабрланувчи ва жиноятнинг содир этилиши тафсилотлари билан ишни тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган даражада бевосита ва шахсан танишиш мажбуриятини юклайди (41-модда)².

Судлар шартли ҳукм қилишни қўллашда жиноятчининг шахсини бевосита тавсифловчи ҳолатлардан ташқари, ЖК 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда, қонунда санаб чиқилмаган ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Сўнгги зикр этилган ҳолатлар жумласига, масалан, айбдорнинг оиласида жиддий касалликларга йўлиққан шахсларнинг борлиги, унинг оилавий аҳволи, жабрланган томоннинг фикри, айбдорнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзи киради.

Шартли ҳукм қилишни қўллаш вақтида судлар кўпинча ҳукмларда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йиғиндисини ишора қиладилар. Мазкур жиноят-хукукий чорани тайинлаш учун битта енгиллаштирувчи ҳолатнинг мавжудлиги, одатда, камлик қилади. Ю.М.Ткачевский таъкидлаб ўтганидек, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йиғиндиси ҳар хил бўлиши мумкин. Аини вақтда, жиноят қанча хавфли бўлса, бундай ҳолатлар шунча кўп бўлиши лозим. Ва аксинча, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган

¹ Гаверов Г.С. Условное осуждение и вопросы его эффективности. – М., 1992. – С. 106.

² Байдерман Б. Планирование уголовной политики (антропологический аспект). – М., 1992. – С. 64.

ҳолда, оз сонли жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам шартли ҳукм қилишни қўллаш учун асос бўлиши мумкин¹. Ишнинг барча ҳолатларини ва айбдорнинг шахсини таҳлил қилиш жараёнида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Муайян иш бўйича бундай ҳолатлар йиғиндиси мавжуд бўлган тақдирда, шартли ҳукм қилиш фақат жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлардан устун бўлган ҳолдагина қўлланилиши мумкин. Иш бўйича жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ўз-ўзича мазкур институтни қўллашга монелик қила олмайди.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, шартли ҳукм қилишни қўллаш асослари айбдорнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни тўлиқ ёритиб бериши, аниқ, тушунарли ва ишонтира оладиган бўлиши лозим. Лўнда қилиб айтганда, суд нафақат ўзи қатъий бир ишончга келиши, балки ўз ишончининг асосларини ҳам келтириши, унга бошқа фуқароларни, юқори турувчи судни ҳам ишонтира оладиган тус бериши керак. Бу маҳкум суд ўзига билдирган ишончни чуқур англаб етишига имконият яратади.

2. Шартли ҳукм қилишда синов муддати ва унинг давомлилиги

Қонунга мувофиқ, суд шартли ҳукм тайинлаш вақтида синов муддатини белгилайди ва шартли ҳукм қилинган шахс ушбу муддат мобайнида ахлоқан тузалганини исбот қилиши лозим. Синов муддатининг моҳияти шу билан белгиланадики, суд томонидан белгиланган вақт мобайнида маҳкум ўзининг ахлоқан тузалганини исботлаши, ўзига юкланган мажбуриятларни виждонан бажариши ва янги жиноят содир этмаслиги керак. Жазо унсурини ўз ичига олувчи шартли ҳукм қилиш суд томонидан тайинланган синов муддатида ҳам ўз ифодасини топади: унинг шартлари асосий жазони ижро этиш таҳдидини ўз ичига олади. Синов

¹ Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М., 1990. – С. 51.

шартлари бузилган тақдирда суд тайинланган асосий жазони амалда қўллаши шарт.

Синов муддатининг моҳияти хусусида ҳар хил нуқтаи назарлар мавжуд. М.Ҳ.Рустамбаевнинг қайд этишича, синов муддати – бу вақт мобайнида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқи билан ўзгарганлигини исботлаши зарур бўлган муайян даврдир. Синов муддати, бегумон, маҳкумнинг тузалиши учун тазйиқ ўтказишни ташкил қилиш ва шартли ҳукм қилишни қўллаш асосли эканлигини текшириш учун кўзда тутилган¹. Синов муддати давомийлигига шартли ҳукмни кузатиб боровчи мажбурлов ҳажми ҳам боғлиқ (муайян мажбуриятлар, судланганлик ҳолати, ҳуқуқбузарлик содир этилганда шартли ҳукм реал жазога алмаштирилиши мумкин ва шартли ҳукм муддати даврида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан шартли тайинланган жазо қисман ёки тўла қўшиш йўли билан суд томонидан амалга оширилади).

Аксарият ҳуқуқшунослар фикрига кўра, синов муддати даврида маҳкумнинг ахлоқан тузалганлиги текширилади². С.Н.Сабанин синов муддати жазодан озод қилинган шахс давлат мажбурлови чораларини қўлламасдан ахлоқан тузалиш-тузалмаслигини ёки у амалда тузалган-тузалмаганини текшириш учун белгиланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, синов муддати – бу шундай бир даврки, унинг мобайнида жазодан озод қилинган шахс билан тарбиявий иш олиб борилиши лозим. Лўнда қилиб айтганда, синов муддати – бу айбдорлар ахлоқан тузалиши учун белгиланган вақтдир³. Бизнингча, бу фикрга қўшилиш қийин, чунки, *биринчидан*, қонун синов муддати даврида маҳкум ўзининг ахлоқан тузалганини исбот қилишини талаб этади, *иккинчидан*, синов муддатининг

¹ Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – Б. 192.

² Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 1993. – С. 73.; Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 109.

³ Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 118-119.

ўтиши ва шартлари шартли ҳукм қилингандан суд унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришни тақозо қилади ва улар, ўз навбатида, давлат мажбурлови чораларини ўз ичига олади.

В.С.Орлов қарама-қарши нуқтаи назарни илгари суради. Унинг фикрича, ҳамонки синов муддатига наинки тарбиявий функция, балки маълум даражада жазо унсурлари ҳам хос экан, у шартли равишда тайинланган жазо чорасининг оғирлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади, шартли ҳукм қилинганнинг ахлоқан тузалиши учун тегишли вақт етарли эканлигига суднинг ишончи билангина белгиланмайди. Шартли ҳукм қилишда синов муддатининг давомлилиги, жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришнинг таркибий қисми сифатида, жазо тури ва миқдорига боғлиқ бўлади.

М.М.Бабаев ушбу масала бўйича ўхшаш нуқтаи назарни илгари суради. Унинг фикрича, синов муддатининг асосий вазифаси давлат мажбурловини қўллаш таҳдиди билан маҳкумни янги жиноятлар содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилишдан иборат. Агар синов муддати институтини қонунга киритишдан кўзланган мақсадни эътиборга оладиган бўлсак, синов муддати – бу маҳкумнинг ахлоқан тузалиши учун мўлжалланган муддат эмас¹.

Қонунда синов муддатининг давомлилиги тайинланган жазо муддати билан қатъий боғлиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилмаган. Масалан, беш йилга озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда қонун бир йилдан иборат синов муддатини белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, суд амалиётида синов муддати асосий жазо муддатида анча кам бўлганига мисоллар кўп. Агар М.М.Бабаевнинг синов муддати – бу маҳкумнинг ахлоқан тузалиши учун мўлжалланган муддат эмас, деган фикрига қўшиладиган бўлсак, шартли ҳукм қилишнинг мақсадлари қачон амалга оширилиши ва шартли ҳукм қилинган шахс ахлоқан тузалганини қайси даврда исбот қилиши лозимлиги мавҳум бўлиб қолади.

¹ Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. – М., 1998. – С. 112-113.

А.С.Горелик синов муддати масаласига бошқа томондан ёндашади – уни судланганлик ҳолатининг тугалланиши муддати эквиваленти сифатида тавсифлайди, мазкур даврда жиноят содир этганликни эса ушбу муддатни тўхтатиш учун асос деб ҳисоблайди¹.

Ю.П.Кравец фикрига кўра, синов муддати деганда шундай бир давр тушуниладики, унинг мобайнида шартли ҳукм қилинган шахс судланган деб ҳисобланади ва шартли ҳукмнинг бекор қилиниши таҳдиди остида янги жиноят содир этмаслиги керак бўлади².

Кўриб турганимиздек, синов муддатига судланганлик ҳолатининг тугалланиши муддати эквиваленти сифатида қараш нафақат унинг моҳиятини ёритмайди, балки шартли ҳукм қилишни қўллашда синов муддатининг ўрни ва аҳамиятини камайтиради. Ушбу институт номининг ўзиёқ унинг синов муддати сифатидаги вазифасидан дарак беради. Шартли ҳукм қилинганга суд томонидан юкланган мажбуриятларни виждонан бажариш орқали бундай шахс ўзининг ахлоқан тузалганини ва ўзига нисбатан шартли ҳукм қўлланишининг асослилигини исбот қилиши лозим. Тадқиқ этилаётган институтнинг ҳуқуқий оқибатлари, энг аввало, шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддати давридаги хулқ-атвориға боғлиқ бўлади.

Шартли ҳукм қилишда синов муддати хусусидаги барча ҳуқуқий нуқтаи назарларнинг келтирилган рўйхати кўрсатилган муаллифлар масалага бир ёқлама ёндашганлар, деган хулосага келиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг матнидан синов муддати суд айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келган ҳолда белгиланади. Синов муддати даврида шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқ-атвори билан жазонинг мақсадларига уни амалда қўлламасдан ҳам эришилганини исбот қилиши лозим, бунда шартли ҳукм қилишни

¹ Горелик А.С. Назначение наказания по совокупности. – Красноярск, 1995. – С. 223.

² Кравец Ю.П. Условное осуждение по советскому уголовному праву. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1991. – С. 18.

тайинлашнинг асослилигини текшириш шартли ҳукм қилинганга юкланган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, *синов муддати* – бу қонун билан белгиланган шундай бир даврки, унинг мобайнида айбдорнинг ахлоқан тузалиши ва шартли ҳукм қилишни қўллашнинг асослилигини текшириш шартли ҳукм қилинганга муайян мажбуриятларни юклаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Синов муддатининг самарали таъсири унинг давомлилиги суд томонидан қай даражада тўғри белгиланганига кўп жихатдан боғлиқ бўлади. “Синов муддатининг давомлилигини суд жинойт ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, маҳкум ахлоқан тузалганини исбот қилиши учун суд фикрига кўра қанча муддат зарурлигидан келиб чиқиб белгилайди”¹. Қонунга мувофиқ, синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Қонунда синов муддати чегаралари белгиланган бўлса-да, унинг давомлилиги аниқ дифференциация қилинмаган. Бизнингча, норманинг бундай номуайянлиги ўртача оғир жинойт учун унча оғир бўлмаган жинойтга қараганда камроқ синов муддатини тайинлаш учун имконият яратади. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи нафақат синов муддатини жинойт тоифасига қараб қўллаш мезонларини аниқлаштирмаган, балки синов муддати асосий жазо муддатида камроқ ёки кўпроқ бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатмаган. Адабиётларда синов муддати тайинланган жазо муддатига боғлиқ бўлиши ва унга мос келиши лозим, деган фикр илгари сурилган. А.Н.Кондалов синов муддати суд томонидан тайинланган

¹ Ткачевский Ю.М. Юридическая природа условного осуждения. // Уголовное право, 1999. №1. – С. 37.

жазо муддатидан кам бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келган¹. Айрим олимлар синов муддатини белгилашни фақат тайинланган жазони ҳисобга олиш билан чеклайдилар². Ўз-ўзидан равшанки, қилмиш ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси канча кучли бўлса, маҳкумга шунча оғир жазо тайинланади, демак, синов муддати ҳам шунча узоқ бўлиши мумкин. Шу сабабли, шартли равишда тайинланган жазо билан синов муддати ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Аммо, ушбу омилга ҳал қилувчи аҳамият юклаш ҳам мумкин эмас, чунки суд жазо тайинлар экан, ўз фикрига кўра шартли ҳукм қилиш талаблари бузилган ҳолда шахсни жамиятдан ажратиш шароитларида унинг ахлоқан тузалиши учун зарур бўлган муддатни белгилайди. Синов муддатини белгилаш эса, бажарилиши тайинланган асосий жазони ўтамасдан ҳам шахсининг ахлоқан тузалганини тасдиқловчи мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ. Амалда муайян синов муддати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, ҳеч шубҳасиз, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, суд томонидан тайинланган жазони ва ишга тааллуқли ҳолатлар йиғиндисини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Аммо, синов муддатининг давомлилиги биринчи навбатда айбдорни синаш даври қанча вақт давом этиши лозимлиги билан белгиланади. Бизнинг фикримизча, судлар ушбу масалани ечишда аксарият ҳолларда айбдорнинг шахсини ҳисобга оладилар, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси эса шартли тайинланган жазо муддатини белгилашда ҳисобга олинади. Шу сабабли, синов муддати тайинланган асосий жазо муддатига тенг бўлиши лозим ёки ундан кам бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган муаллифлар фикрига биз қўшила олмаймиз, чунки айбдорнинг шахси аксарият ҳолларда тайинланган жазога қараганда камроқ синов муддатини тайинлашга лойиқ бўлиши мумкин.

¹ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 118.

² Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. – М., 1996. – С. 434.

Ушбу нуқтаи назарни ҳимоя қилар экан, А.Н.Кондаловнинг ўзи жазо муддати шартли ҳукм қилиш вақтида синов муддатини белгилаш учун муҳим эканлигига қарамай, уларнинг ўртасида механик боғлиқликни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу айбдорнинг шартли ҳукм қилиш фактига бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумки, жазолар баъзан жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасигагина эмас, балки ЖК Махсус қисми нормаларининг “мавжуд санкциялари”га ҳам боғлиқ бўлади¹.

Демак, муаллифларнинг юқорида келтирилган нуқтаи назарлари конун йўли билан мустаҳкамланиши амалда шартли ҳукм қилишни қўлланиш доираси сезиларли даражада торайишига олиб келади. Аниқроқ айтганда, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан шунга олиб келадики, суд шартли ҳукм қилиш вақтида синов муддатини белгилашда мазкур синов муддатининг айбдор хулқини тузатиш учун зарурлигига бўлган ишончдан эмас, балки расмийчилик мулоҳазаларидан келиб чиқади. Ваҳоланки, синов муддатининг давомлилиги айбдор шахсининг бир қатор индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларни суд шартли ҳукм қилиш тўғрисида ҳукм чиқаришда доим ҳисобга олиши лозим.

Шартли ҳукм қилишда синов муддатининг давомлилиги тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилаётганда, синов муддатининг юқори ва қуйи чегараси муаммосига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Айрим олимлар фикрига кўра, давомлилиги уч йилдан ортиқ бўлган синов муддати амалда талаб этилмайди, ушбу муддатнинг қуйи чегараси бир йилдан кам бўлган тақдирда эса, бу шартли ҳукм қилишнинг самарадорлигини пасайтириши мумкин². Э.В.Лядов синов муддати чегараларини олти ойдан уч йилгача белгилаш зарур, деган фикрни илгари сураб экан, ҳаддан ташқари давомли синов муддатини тайинлаш шартли ҳукм қилишнинг тарбиявий

¹ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 116.

² Кравец Ю.П. Испытательный срок и контроль за поведением условно осужденных // Советская юстиция. 1990. №11. – С. 12.

аҳамиятини пасайтириши ва унинг ахлоқ тузатувчи таъсирини сусайтиришини¹ таъкидлайди. Мазкур масалани тадқиқ этар экан, С.Н.Сабанин қилмиш ва синов муддатининг давомлилиги нисбатига бўлган ёндашувни янада дифференциация қилишни таклиф қилади: “Шахс унча хавфли бўлмаган ёки ўртача оғир жиноят содир этган бўлса, синов муддати бир йилдан икки йилгача, у оғир жиноят содир этган тақдирда эса – икки йилдан уч йилгача белгиланиши лозим”².

Амалдаги қонунчилик шартли ҳукм қилишни Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида санаб чиқилган асосий жазоларнинг 4 та турига нисбатан қўллаш имконини беради ва ушбу жазо турларининг ҳар бири турли ҳажмдаги давлат мажбурлови чораларини ўз ичига олади. Мазкур жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир хил эмас. Бинобарин, уларга белгиланиши мумкин бўлган синов муддатлари ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. *Масалан*, оғир жиноятлар содир этганлик учун синов муддатининг юқори чегараси – уч йилни белгилаш ўринли бўлса, олти ойга ахлоқ тузатиш ишлари шартли равишда тайинланган ҳолда, бир йилдан ортиқ муддатга синов муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш лозимки, давомли синов муддатини тайинлаш ижобий таъсир кўрсатиши ва айбдорни шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод бўлиш мақсадида ўзининг ахлоқан тузалганини исботлашга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бир вақтда, судлар амалда синов муддатининг давомлилигини содир этилган жиноятнинг тоифаси билан боғламайдилар. Айни шу сабабли, синов муддати учун қатъий чегараларнинг ўрнатилиши суднинг муайян жиноятчига нисбатан ёндашувини индивидуаллаштириш имкониятларини сезиларли даражада камайтирган бўлур эди.

¹ Лядов Э.В. Условное осуждение к лишению свободы как институт уголовного и уголовно-исполнительного права. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2001. – С. 246.

² Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 118-119.

Синов муддатининг давомлилиги билан боғлиқ масалалар таҳлиliga яқун ясар эканмиз, яна бир масалага қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳуқуқий адабиётларда шартли ҳукм қилиш вақтида аниқ жазо муддатини тайинламасдан, дарҳол маҳкум билан тарбиявий ишни ташкил этиш учун муайян синов муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деган нуқтаи назар илгари сурилган¹. А.Н.Кондалов бу фикрни қўллаб-қувватлар экан, тайинланган жазо муддати белгиланмаган ҳолда синов муддатининг роли ва шартли ҳукм қилишнинг самарадорлик даражаси янада ошади, деб ҳисоблайди. “Агар ҳукмда фақат жазо тури белгиланса ва унинг муддати кўрсатилмаса, суд синов муддатини белгилаш билангина кифояланса, шартли ҳукм қилинганга у ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган тақдирда суд томонидан илгари белгиланган миқдордаги жазо эмас, балки жинойт-ҳуқуқий норманинг санкциялар тўплами таҳдид солади. Бундай ёндашувда одиллик принципи чиндан ҳам амал қилади”². Бизнингча, бу фикрга қўшилиш қийин, зеро, синов муддати талаблари бузилган ва у бекор қилинган ҳолда, жазо муддатини тайинламасдан шартли ҳукм қилиш ўз маъносини йўқотган бўлур эди, чунки мазкур босқичда маҳкум айнан қандай жазо муддатини ўташи лозимлигини белгилаш мумкин эмас, ушбу масала фақат ишни тўлиқ ҳажмда кўриб чиқиш пайтида ҳал этилиши мумкин. Бундан ташқари, асосий жазо муддатининг муайян эмаслиги ҳукмнинг жазоловчи таъсири мазмунига, шартли ҳукм қилишни қўллашда умумий ва хусусий превенция мақсадларини амалга ошириш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

¹ Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 115-116.

² Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 130.

3. Шартли ҳукм қилинганларга синов муддати мобайнида қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасига мувофиқ шахсга шартли ҳукм тайинлашда суд томонидан белгиланадиган синов муддатининг давомлилиги, пировард натижада, маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ, бу ерда синов муддатининг ўзи эмас, балки унинг давлат мажбурлови чоралари сифатида амал қилиб, шартли ҳукм қилинганнинг ахлоқан тузалиши ва ижтимоий адолатни тиклаш мақсадларини амалга оширишга кўмаклашадиган шартлари рўйхати муҳимдир.

Илгари шартли ҳукм қилинган шахснинг зиммасига муайян мажбуриятлар юклашга фақат ҳукмнинг ижроси 1959 йилги ЖК 44¹-моддасида назарда тутилган тартибда кечиктирилган ҳолда йўл қўйилар эди. Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига мувофиқ, суд, шартли ҳукм қилишни тайинлар экан, айбдорга муайян мажбуриятларни бажаришни юклаши мумкин: 1) муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш; 2) ишга ёки ўқишга кириш; 3) яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш; 4) вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш; 5) муайян жойларда бўлмаслик; 6) муайян вақтда яшаш жойида бўлиш; 7) алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ.

Мазкур шартларнинг ҳар бири содир этилган жиноятдан, шунингдек тайинланган жазодан келиб чиққан ҳолда маҳкумга юклатилади¹.

Қонун мазкур мажбуриятларни маҳкумга ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам жамулжам ҳолда тайинлаш имконини беради, бунда синов муддати шартларини қўллашни суд ҳукмида асослаш талаб этилмайди. Кўрсатилган

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 193.

ҳуқуқий чеклашлар рўйхати якуний эмас. Суд шартли ҳукм қилинганга уни ахлоқан тузатишга кўмаклашадиган бошқа мажбуриятларни юклаши ҳам мумкин.

Айбдорга юкланадиган мажбуриятлар рўйхати ҳар хил бўлиши мумкин. Энг муҳими, уларни амалда бажариш ва назорат қилиш мумкин бўлиши, уларни қўллаш эса асосий жазони амалда ўтамасдан жиноятчини ахлоқан тузатиш мақсадини кўзлаши лозим. Амалиёт таҳлили бундай мажбуриятлар қаторига судлар кўпинча қуйидагиларни киритишларини кўрсатади: 1) шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга вақти-вақти билан келиб, унда рўйхатдан ўтиб туриш; 2) ишга ёки ўқишга кириш; 3) муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар қонунда мажбуриятлар очик рўйхатининг мустаҳкамланиши шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши учун шарт-шароитлар яратади¹, деб ҳисоблайдилар. Бундай мажбуриятларнинг юкланиши, айниқса уларни бажармаслик учун жавобгарлик ўрнатиш билан боғлиқ ҳолда, шахснинг ҳуқуқлари ва қўриқланадиган манфаатларига дахл этиш ҳисобланади, деб қайд этади В.А.Уткин. Унинг мақбуллиги чегаралари қонунда белгилаб қўйилиши ва нафақат педагогик, балки ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам назорат остига олиниши лозим². Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Синов муддати даврида шартли ҳукм қилинганларга қўйиладиган талаблар айбдорга 4 та асосий жазо туридан қайси бири тайинланганидан қатъи назар бир хил. Шартли ҳукм қилинганларга юкланадиган мажбуриятлар муайян жазо тури қайси жиноят учун тайинланган бўлса, шу жиноятнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб фарқ қилиши лозим. Айнан

¹ Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 121.

² Уткин В.А. Наказание и исправительно-трудовой воздействие. – Томск, 1994. – С. 172. Шунга ўхшаш фикрни О.В.Филимонов, О.Книженко ҳам илгари сурган. Филимонов О.В. Правовое регулирование посткриминального контроля за поведением лиц, осужденных без изоляции от общества и освобожденных из мест лишения свободы. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Харьков, 1991. – С. 30-31.; Книженко О. Условное осуждение или система испытания // Законность, 2002. №9. – С. 40.

махкумларга қўйиладиган талабларнинг очик рўйхатини белгилаш мазкур муаммони ечиш имконини бериши мумкин. Бундан ташқари, қонунда суднинг синов муддати мобайнида мажбуриятлар ҳажмини ўзгартириш, илгари белгиланган мажбуриятларни улар билан тўлдириш ҳуқуқини мустаҳкамлаш шартли ҳукм қилишнинг самарадорлиги даражасини оширишга ва унинг айбдорларга тарбиявий таъсирини кучайтиришга кўмаклашади.

Шуни кайд этиб ўтиш лозимки, кўрсатилган мажбуриятларни маҳкумга нисбатан қўллаш суднинг ҳуқуқи ҳисобланади. Аммо, бизнинг назаримизда, жазо сингари жазоловчи салоҳиятга эга бўлган, умумий ва махсус олдини олиш чораларини амалга оширадиган шартли ҳукм қилиш айбдор шахсга қўйиладиган, бажарилмаслиги мажбурий тартибда жиноят-ҳуқуқий санкцияларга сабаб бўлиши лозим бўлган талабларнинг зарурий рўйхатини белгилашда ифодаланадиган мажбурий таъсир кўрсатишни ўзида мужассамлаштириши лозим. Синов муддати даврида мажбуриятларнинг йўқлиги шартли ҳукм қилишнинг тарбиявий аҳамиятини камайтиради, унинг мақсадлари доирасини торайтиради, чунки маҳкум янги жиноят содир этмаслик мажбуриятидан бошқа бирон-бир ҳуқуқий чеклашларга йўлиқмайди. Шартли ҳукм қилинганнинг ахлоқан тузалганини текшириш синов муддати яхши ўталганигагина эмас, балки айбдор ўзига юкланган мажбуриятларни амалда бажарганига берилган баҳога ҳам асосланиши лозим. Фақат айбдор ўзига юкланган мажбуриятларни бажарган, ўзининг фаол хулқ-атвори билан ахлоқан тузалганини исботлаган ҳолдагина ҳам шартли ҳукм қилишни бекор қилиш, ҳам судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги масалани қўйиш мумкин.

Шартли ҳукм қилинганларга синов муддати мобайнида муайян мажбуриятлар юклаш кўпгина хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунларида ҳам назарда тутилган. Бу ерда жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш ёки пробацацияга ҳукм қилиш вақтида судлар айбдорга

мажбурий тартибда муайян мажбуриятлар юклайдилар¹. Масалан, Нью-Йорк штати ЖК 65.10-моддасининг 2-бандига мувофиқ, пробация шарти сифатида айбдорга қуйидаги мажбуриятлар юкланиши мумкин: зарарли ва обрўга доғ туширадиган одатлардан ўзини четга олиш, тақиқланган жойларга ёки ёмонотлиқ бўлган жойларга ташриф буюришдан ёинки ёмон обрўга эга бўлган шахслар билан мулоқот қилишдан ўзини тийиш, жиноят билан етказилган зарарни ўз имкониятлари даражасида қоплаш, жамоат ташкилоти ёки бирлашмаси, тижоратчи бўлмаган ташкилот учун ишларни бажариш, айбдорни ижтимоий тиклашга кўмаклашадиган ҳар қандай ақлга мувофиқ шароитларни яратиш².

ГФР Жиноят кодексида мустаҳкамланган қоидаларга мувофиқ, шартли ҳукм қилиш вақтида суд айбдорга қилмиш билан етказилган зарарни ўз имкониятлари даражасида қоплаш, жамоат муассасаси фойдасига пул маблағларини тўлаш, жамоат фойдасига бошқа ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаши мумкин (ЖК 56b моддаси)³.

Англия жиноят қонунчилигида пробация ва жамоат учун хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги бирлаштирилган буйруқлар назарда тутилган бўлиб, уларга мувофиқ жиноятчи белгиланган муддат мобайнида 40 соатдан 100 соатгача ҳақ тўланмайдиган ишларни бажариши лозим⁴.

Италия Жиноят кодекси шартли ҳукм қилинганга жиноят билан етказилган зарарни қоплаш тартибида пул суммасини тўлаш, жиноятнинг зарарли оқибатларини ёки уларнинг юз бериш хавфини суд томонидан ҳукмда кўрсатилган воситалар ёрдамида бартараф этиш мажбуриятини юклайди⁵.

Швеция Жиноят кодексида нисбий хусусиятга эга бўлган талаблар назарда тутилган бўлиб, бу шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан

¹ Двойменный И.А. Проблемы исполнения условного осуждения в современных условиях. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 2000. – 74-б.

² Уголовное право зарубежных государств. Общая часть // Под ред. И.Д. Козочкина. – М., 2001. – С. 92.

³ Ўша ерда. – Б. 236–237.

⁴ Ўша ерда. – Б. 409–410.

⁵ Ўша ерда. – Б. 558.

янада қаттиқ ёндашувни таъминлайди: пробация даври мобайнида айбдор ўз ҳаётида қонунга итоат этиши ва ўзини яхши томондан кўрсатиши лозим (ЖК 4-моддаси)¹.

Демак, жаҳоннинг аксарият мамлакатлари жиноят кодексларида жиноят билан етказилган зарарни ҳатто фуқаровий даъво бўйича суд қарори мавжуд бўлмаса ҳам айбдорнинг имкониятларига қараб тўлиқ ёки қисман қоплаш мажбуриятлари назарда тутилган. Ахир маҳкум томонидан ўталган жиноят учун жазо ҳаёт, соғлиқ ва ҳоказолар кўринишидаги йўқотилган бойликни қайтаришга қодир эмас. Жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш маҳкумга жиноят билан етказилган зарарни ҳар қандай йўл билан қоплаш мажбуриятини юклашни талаб қилади. Шу туфайли ҳам, қонун чиқарувчи шартли ҳукм қилинганда маҳкумга юкланадиган мажбуриятлар рўйхатида муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилишни биринчи ўринга қўйган (Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг учинчи қисми).

Аксарият демократик мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида жабрланувчилар, гувоҳлар ва одил судловга кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш муносабати билан қўлланиладиган яна бир муҳим ҳуқуқий чеклаш назарда тутилган. Мазкур тақдир маҳкумлар учун уларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда, жазони енгилроғи билан алмаштиришда, шартли ҳукм қилишда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазоларни тайинлашда белгиланади². Масалан, Буюк Британия суди шартли ҳукм қилиш вақтида маҳкумга у истиқомат қилиши лозим бўлган ҳудудни кўрсатиши мумкин. АҚШда эса қонун мазкур чорани тайинлаш вақтида айбдор шахсга суд унга кўрсатган жойда яшаш ёки, аксинча, суд томонидан кўрсатилган ҳудудда бўлишдан ўзини тийиш мажбуриятини

¹ Уголовный кодекс Швеции. – М., 2000. – С. 118–119.

² Брусницын Л. Правоограничения для обвиняемых и осужденных – меры безопасности для жертв и свидетелей // Советская юстиция. 2002. №5. – С. 47.

имконини беради¹. Бизнингча, жабрланувчилар, гувоҳлар ва уларнинг оилаларини ҳимоя қилиш борасидаги хорижий тажриба мамлакатимиз учун фойдали бўлиши мумкин. Хусусан, суднинг шартли ҳукм қилинган шахсларга муайян жойда яшашини белгилаш ҳуқуқи мустаҳкамланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маҳкум учун жиддий чеклашларга сабаб бўладиган бундай тақиқларни чет эл мамлакатларида, қоида тариқасида, фақат суд белгилайди. Бу ва маҳкумларнинг ҳуқуқларини жиддий чеклаш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш бизнинг мамлакатимизда ҳам фақат суд органларига юкланиши лозим.

Шартли ҳукм қилинганларга юкланадиган мажбуриятлар рўйхатида суднинг маҳкумга муайян жойда яшашини белгилаш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг учинчи қисмига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритилсин:

“вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш,” сўзларидан кейин ***“муайян жойда яшаш,”*** сўзлари киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Суд амалиётида шундай бир вазиятлар юзага келадики, масалан, ахлоқ тузатиш ишларига шартли ҳукм қилинган айбдор шахс синов муддати даврида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этади ва бунинг учун унга маъмурий қамоқ тариқасидаги маъмурий жазо тайинланади. А.Н.Кондалов бундай ҳолларда маъмурий жазони тўлиқ ўташ даврида синов муддатининг

¹ Уголовное законодательство зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии, Японии). – М., 1998. – С. 21.

ўтишини тўхтатиб туришни, сўнг жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишни давом эттиришни таклиф қилади¹.

Қонунда суднинг шартли ҳукм қилинганга ё Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг учинчи қисмида санаб чиқилган, ё айбланувчининг муайян шахси билан боғлиқ қўшимча мажбуриятларни юклаш ҳуқуқини эмас, балки мажбуриятини белгилаш зарурлиги хусусидаги мунозарани давом эттирар эканмиз, шуни кайд этиб ўтиш лозимки, кўпгина судлар шартли ҳукм қилишни қўллаганда синов муддати даврида бирон-бир мажбурий талабларни ҳукмда белгиламайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддаси бешинчи қисмининг ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкинлиги ҳақидаги нормасини амалда қўллаш тўғрисидаги масала юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу норманинг рағбатлантирувчи қисми – маҳкумга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаш фақат шартли ҳукм қилинган шахс ахлоқан тузалганини қонунни бузишдан ўзини тийиши билан эмас, балки бунинг очиқ-ойдин далиллари билан исботлаган ҳолда қўлланилиши мумкин.

4. Шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асослари

Сўнгги йилларда шартли ҳукм қилишнинг кенг қўлланилиши аксарият ҳолларда жиддий молиявий-иқтисодий қийинчиликлар, жиноят-пенитенциар тизими муаммолари билан боғлиқ. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда шартли ҳукм қилинганларнинг сафларидан илгари судланганлар ва оғир жиноятларни содир этишда айбдор шахслар ҳам

¹ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 130.

ўрин олмоқда. Бундай шахсларни ҳуқуқни муҳофаза вилувчи органлар томонидан назорат қилиш механизми лозим даражада тартибга солинмаган ва баъзан такроран жиноят содир этишга монелик қилмайди.

Шартли ҳукм қилишни бекор қилиш муайян ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги билан белгиланади. ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмини қўллаш амалий муаммоларини тадқиқ этиш шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асослари деганда нима тушунилиши ва уларнинг қандай турлари борлиги тўғрисидаги масалани ҳам ўрганишни тақозо этади.

Адабиётларда илгари сурилган фикрга кўра, шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг тўртта ва уни белгилашнинг битта асоси масжуд¹. Айрим олимлар фикрига кўра, жиноят қонунининг шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларини мустаҳкамловчи нормаси билан шартли ҳукм қилишни бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишнинг бир нечта варианты тартибга солинади². Бошқа ҳуқуқшунослар эса жиноят қонунда маҳкумнинг хулқ-атвориға қараб шартли ҳукм қилишнинг бир нечта оқибатлари назарда тутилган³. А.Н.Кондалов бошқача фикрни илгари сураётган экан, айнан маҳкумнинг ахлоқан тузалгани ёки тузалмагани даражаси унинг хулқ-атворида намоён бўлган ҳолда шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асоси бўлиб хизмат қилади⁴, деб ҳисоблайди.

Бироқ шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг таклиф қилинаётган номуайян талқинлари юқорида кўрсатилган нуқтаи назарларни асосли деб ҳисоблаш имконини бермайди. А.Н.Кондаловнинг нуқтаи назари ҳақида гапирганда, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, шартли ҳукм қилинганнинг хулқ-атворини “ахлоқан тузалгани ёки тузалмагани даражаси”дан келиб чиқиб бундай баҳолаш синов муддатини узайтириш, синов муддати давомида маҳкумга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаш ёинки унинг зиммасига янги

¹ Уголовное право РФ. Общая часть. – М., 1996. 424-425-б.

² Комментарий к Уголовному кодексу РФ. – М., 1996. – 205-б.

³ Уголовный кодекс РФ. Комментарий к УК. – М., 1997. – 142-б.

⁴ Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – 144-145-б.

мажбуриятлар юклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Мазкур таъриф шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг хусусиятини очиб бермайди, балки шартли ҳукм қилишнинг турли ҳуқуқий оқибатлари амалга ошиши учун муайян шароитлар юзага келганидангина далолат беради.

ЖК 72-моддаси мазмунига кўра, шартли ҳукм қилиш қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) шартли ҳукм қилинган шахс ўзининг ахлоқан тузалганини синов муддати тугагунга қадар исботлаган бўлса;

2) маҳкум синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаган бўлса;

3) шартли ҳукм қилинган шахс жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса;

4) маҳкум синов муддати давомида янги жиноят содир этган бўлса.

Шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг юқорида келтирилган асослари таҳлили шартли ҳукм қилишнинг бекор қилиниши ҳар қандай ҳолда ҳам амалда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори билан боғлиқ, деган хулосага келиш имконини беради. Аммо, мазкур жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг тўхтатилиши айбдорнинг ҳар қандай хулқ-атвори билан белгиланмайди, чунки сўнгги зикр этилган ҳолат синов муддати узайтирилганда ҳам юзага келиши мумкин. Шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг фарқи қонунда белгиланган оқибатлар – синов муддатининг тўхтатилиши ва айбдор суднинг ҳукми билан ўзига юкланган мажбуриятларни бажаришини мажбурий тугатилишида кўзга ташланади. Шу сабабли, шартли ҳукм қилишни бекор қилиш учун асос бўлиб маҳкум синов муддати даврида қонунда назарда тутилган, унинг ахлоқан тузалганини исботлайдиган ижобий ҳаракатларни ёки у тайинланган асосий жазони амалда ўташи лозимлигидан далолат берувчи салбий ҳаракатларни содир этгани хизмат қилади. Бундай

ҳаракатлар синов муддатининг ўтишини тўхтатади ва айбдор ўзига юкланган мажбуриятларни бажаришни давом эттириши имкониятини йўққа чиқаради.

Қонуннинг шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори билан боғлиқ муайян шартларидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларини турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин, масалан: 1) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг суд ихтиёрига кўра қўлланиладиган (қўлланилиши мумкин бўлган) ва мажбурий турлари; 2) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг ўз мажбуриятларини бажаришга маҳкумнинг фаол ижобий ва салбий муносабати билан боғлиқ бўлган турлари; 3) шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг шартли ҳукм қилинган шахснинг салбий ёки ижобий ҳаракатлари йиғиндиси билан белгиланган ва бир қарралик ғайриқонуний хулқ-атвор билан белгиланган асослари ва ҳ.к.

Маҳкумнинг салбий хулқ-атвори билан боғлиқ шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асоси, ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд ўзига юклаган мажбуриятларни бажармагани ҳисобланади. Бундай ҳолларда суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖИК 178-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, маҳкум зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

II боб бўйича хулоса:

1. ***Синов муддати*** – бу қонун билан белгиланган шундай бир даврки, унинг мобайнида айбдорнинг ахлоқан тузалиши ва шартли ҳукм қилишни қўллашнинг асослилигини текшириш, шартли ҳукм қилинганга муайян мажбуриятларни юклаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

2. Амалдаги қонунчилик шартли ҳукм қилишни Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида санаб чиқилган асосий жазоларнинг 4 та турига нисбатан қўллаш имконини беради, аммо мазкур жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил эмас. Бинобарин, уларга белгиланиши мумкин бўлган синов муддатлари ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. *Масалан*, оғир жиноятлар содир этганлик учун синов муддатининг юқори чегараси – уч йилни белгилаш ўринли бўлса, олти ойга ахлоқ тузатиш ишлари шартли равишда тайинланган ҳолда, бир йилдан ортиқ муддатга синов муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш лозимки, давомли синов муддатини тайинлаш ижобий таъсир кўрсатиши ва айбдорни шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий оқибатларидан озод бўлиш мақсадида ўзининг ахлоқан тузалганини исботлашга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг учинчи қисмига қўйидаги мазмундаги қўшимча киритилсин:

“вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш,” сўзларидан кейин ***“муайян жойда яшадини белгилаш,”*** сўзлари киритилсин.

4. Қонуннинг шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори билан боғлиқ муайян шартларидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларини турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин, масалан:

1) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг суд ихтиёрига кўра қўлланиладиган (қўлланилиши мумкин бўлган) ва мажбурий турлари;

2) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг ўз мажбуриятларини бажаришга маҳкумнинг фаол ижобий ва салбий муносабати билан боғлиқ бўлган турлари;

3) шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг шартли ҳукм қилинган шахснинг салбий ёки ижобий ҳаракатлари йиғиндиси билан белгиланган ва бир қарралик ғайриқонуний ҳулқ-атвор билан белгиланган асослари ва ҳ.к.

III БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1. Жиноят қонунини либераллаштириш шароитида шартли ҳукм қилишнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар самарасида инсонпарварлик нуқтаи назардан жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши, жавобгарлик ва жазо тизимининг юмшатилиши ҳамда жиноят содир этган шахсга янада кенгроқ имкониятлар берилиб, мазкур ислохотлар маҳкумни тузалиш йўлига ўтишга жалб қилинишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда¹. Ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий институтлар қаторида жазодан озод қилишнинг тури ҳисобланган шартли ҳукм қилишни ислоҳ этиш ҳам ҳар доим кун тартибидаги асосий масаладир.

Ўтган йиллар давомида шартли ҳукм қилиш институти билан боғлиқ қатор самарали ислохотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ушбу соҳани қайта кўриб чиқишни, уни ислоҳ этиш эҳтиёжи юзага келганлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, биз қуйида жиноят қонунини либераллаштириш шароитида шартли ҳукм қилишнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари хусусида айрим мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Энг аввало, таҳлилни шартли ҳукм қилиш қўлланилиши мумкин бўлган жазолар рўйхатига қаратсак.

¹ Мусаев Б. Жиноят-ҳуқуқий соҳадаги сиёсат жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг энг муҳим йўналиши. // Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг самарадорлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асосида конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 46.

Маълумки, ЖК 72-моддасида шартли ҳукм қилиш ЖК 43-моддасида назарда тутилган саккизта асосий жазодан фақат тўрттаси тайинланган ҳолда қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Жумладан, 2011 йилда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шартли ҳукм қилинган шахслар 5902 тани ёки жами шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан 89,4 %ни, 2012 йилда 4898 та (91,4 %)ни, 2013 йилда 5148 та (94,7 %)ни, 2014 йилда 4801 та (94,4 %)ни ташкил этган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, шартли ҳукм қилинганлар эса, 2011 йилда жами шартли ҳукм қилинган шахсларнинг 10,6 %ини, 2012 йилда 8,6 %ини, 2013 йилда 5,3 %ини, 2014 йилда 5,6 %ини ташкил этган¹. Аммо, бугунги кунда либераллаштириш йўналишига асосланган жинойт-ҳуқуқий сиёсат доирасида шартли ҳукм қилиш институни қўллаш соҳасини кенгайтириш, бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, шартли ҳукм қилиш умрбод озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда қўлланмаслиги асослидир, зеро бу фақат ўта оғир жинойтлар учун тайинланадиган мазкур жазо турларининг фавқулодда хусусияти билан белгиланади. Шартли ҳукм қилиш эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган ва айбдорнинг шахси ҳақида ижобий маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда қўлланилади. Шартли ҳукм қилишни бошқа – ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо турлари тайинланганда қўллаш имконияти тўғрисидаги масала олимлар ўртасида кўп маротаба муҳокама қилиб келинмоқда².

Аксарият олимлар ва мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда мазкур масала юзасидан қуйидаги хулосаларимизни баён этамиз.

Биринчидан, шартли равишда тайинланиши мумкин бўлган асосий жазолар қаторига қамоқ жазосини киритиш ўринли бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистика маълумотларидан, 2015 йил.

² Ткачевский Ю.М. Юридическая природа условного осуждения // Уголовное право, 1999. №1. – С. 36.

Жиноят учун жазоларнинг турларини белгилашга бағишланган ЖК 43-моддасида улар ўзининг жазоловчи таъсири даражасига кўра жойлаштирилган, бунда қамоқ хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш ўртасида жойлаштирилган. Ушбу жазо турлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида назарда тутилган ва шартли равишда тайинланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмидаги рўйхатга жазоловчи таъсири интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлариникидан кучлироқ бўлган қамоқ нима сабабдан киритилмагани тушунарсиз.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, қамоқ амалда қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланади, уни амалга ошириш жамиятдан ажратиш ва мажбурий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ¹. Шу сабабли, қонунда қамоқни шартли равишда қўллаш имкониятини белгилаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадларига эришишга кўмаклашади.

Иккинчидан, жиноят қонунда жарима жазоси тайинланадиган ҳолларда ҳам шартли ҳукм қилишни қўллаш имконияти назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нарса диққатга сазоворки, жарима тариқасидаги жазо аксарият ривожланган мамлакатларда асосий ва қўшимча жазо сифатида кенг қўлланилади. Чет эл мамлакатлари қонунчилигида жаримани ё шартли равишда, ё шартли ҳукм қилишда қўллаш имкониятлари назарда тутилган. Масалан, Швеция ЖКга кўра, суд жарима тариқасидаги жазо етарли бўлмаган жиноят учун шартли ҳукм қилиш ҳуқуқига эга (Швеция ЖК 27-боби 1-моддаси)². Бу ҳолда шахс ҳукм қилинади, унга пробация даври учун белгиланган муайян мажбуриятларни бажариш юкланади ва

¹ А.В.Полищев ва А.Б.Виноградов ҳам илгари суради. Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 58.; Полищев А.В. Правовое регулирование применения ареста как вида уголовного наказания. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-н/Д., 2001. – С. 8.

² Уголовный кодекс Швеции. – М., 2000. – С. 118-121.

жарима тайинланади. Франция ЖК судларга жарима тариқасидаги жазонинг ижросини кечиктиришни наинки жисмоний, балки юридик шахсларга нисбатан қўллашга ҳам ижозат беради¹. Шунга ўхшаш норма Япония ЖКда ҳам мавжуд: унда шартли ҳукм қилиш – жазонинг ижросини кечиктириш суд томонидан икки юз минг йенадан ортиқ бўлмаган миқдорда жаримани тайинлаш вақтида белгиланиши мумкинлиги назарда тутилган².

Жарима тариқасидаги жазонинг самаралилиги шак-шубҳасиздир.

Қайд этилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар ***“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида”*** деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Шартли равишда тайинланадиган жазолар рўйхатини кенгайтириш маҳкумга унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиддий чекламасдан ахлоқан тузалиш имконини беради, шу тариқа жазонинг мақсадларига, шу жумладан жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадларига эришиш учун имконият яратади. Ўйлаймизки, қайд этилган тақлифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўналишидаги жиноят-ҳуқуқий сиёсат мақсадларига ҳам монанддир.

Учинчидан, шартли ҳукм қилишни жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда унинг қўллаш асосларини кенгайтириш лозим.

¹ Крылова Н.Е. Основные черты нового Уголовного кодекса Франции. – М., 1996. – С. 78-79.

² Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. Козочкина И.Д. – М., 2001. – С. 501, 557.

Мазкур диссертация ишининг юқоридаги бобларида таҳлил қилинганидек, жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунни қўллаш амалиётида шартли ҳукмни қўллаш асослари юзасидан турли хил ёндашув ва амалиётлар мавжуд. Бунинг асосий сабабларидан бири жиноят қонунда белгиланган нормаларнинг ички номувофиқлигидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида суд тегишли жазоларни тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти (1) ва ижтимоий хавфлилик даражаси (2), айбдорнинг шахси (3) ва ишдаги бошқа ҳолатларни (4) эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган катъий фикрга келиши назарда тутилган.

ЖК 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти (1) ва ижтимоий хавфлилик даражасини (2), қилмишнинг сабабини (3), етказилган зарарнинг хусусияти (4) ва миқдорини (5), айбдорнинг шахсини (6) ҳамда жазони енгиллаштирувчи (7) ва оғирлаштирувчи ҳолатларни (8) ҳисобга олади, белгиланган.

Демак, ЖК 72-моддасида белгиланган норма мазмунидан суд шартли ҳукм қилишда жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган 54-моддада белгиланган айрим ҳолатларни инобатга олади, айрим ҳолатларни эса, инобатга олмаса ҳам бўлишини назарда тутувчи тушунарсиз ва ўзаро номувофиқ нормалар мустаҳкамланган.

Юзага келган мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖК 54-моддаси ва 72-моддасида белгиланган талабларни ўзаро мувофиқлаштириш, бизнингча, ЖК 72-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги келтирилган иккита таклифдан биттасини ўзгартиш сифатида киритиш мақсадга мувофиқ:

1) ***“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,”*** деган сўзлар ***“содир этилган жиноятнинг хусусияти***

ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишининг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб,” сўзлари билан алмаштирилсин.”;

ёки

2) *“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,”* деган сўзлар *“ушбу Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб,”* сўзлари билан алмаштирилсин.”.

Тўртинчидан, шартли ҳукм қилинган шахсларга белгиланган синов муддатини қисқартириш масаласи ҳам ЖКда очик қолдирилган. Ваҳоланки, ЖПКнинг 541-моддасида озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш тўғрисидаги масалалар шу маҳкумнинг истиқомат жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилиниши ҳақидаги норма белгиланган. Жиноят қонунчилигида эса, шартли ҳукм қилинган шахсларга белгиланган синов муддатини қисқартириш имконият назарда тутилмаган. Бизнингча, қатъий ахлоқ тузалиш йўлига ўтган, жамият учун фойдали ишларни амалга ошираётган шахсларга нисбатан белгиланган синов муддатини қонуний мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб боровчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.”;

2) олтинчи-саккизинчи қисмлар еттинчи-тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

Юқорида қайд этилган таклифларнинг жиноят қонунига киритилиши, ўйлаймизки, жиноят қонунини либераллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларни яна бир босқичга олиб чиқади.

2. Айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида шартли ҳукм қилишга оид нормаларни такомиллашириш

XIX аср охирида пайдо бўлган шартли ҳукм қилиш институти кейинги даврда бутун дунёда кенг тарқалди. Аммо унинг атрофидаги баҳс-мунозаралар наинки тўхтамаган, балки уни қўллаш билан боғлиқ у ёки бу муаммоларга нисбатан янгича нуқтаи назарларни юзага келтирмоқда. Жиноят ҳуқуқи назариясида кўп сонли нуқтаи назарлар мавжудлигига қарамай, шартли ҳукм қилишнинг юридик табиати тўғрисидаги масала ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Ваҳоланки, ушбу институтнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш биринчи даражали аҳамият касб этади, зеро, шартли ҳукм қилишнинг юридик табиатини тавсифлашга нисбатан турли ёндашувларга қараб, мазкур чорани қўллаш механизми турлича амалга оширилади.

Россия Федерацияси ЖК 73-моддасига мувофиқ, агар суд ахлоқ тузатиш ишлари, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий ҳарбий қисмда сақлаш ёки саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилишни тайинлагач, маҳкумнинг хулқини жазони амалда ўтамасдан ҳам тузатиш мумкин, деган хулосага келса, у тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаш тўғрисида қарор чиқаради.

Бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки енгилроқ жазо тайинланган ҳолда синов муддати олти ойдан кам ва уч йилдан ортиқ бўлиши, бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш

тайинланган ҳолда эса – олти ойдан кам ва беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Агар синов муддати тугагунга қадар шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқ-атвори билан ўзининг ахлоқан тузалганини исбот қилган бўлса, суд шартли ҳукм қилинганнинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимиға кўра шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисида ва маҳкумдан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бунда шартли ҳукм белгиланган синов муддатининг камида ярми ўтганидан кейин бекор қилиниши мумкин.

Озарбайжон ЖК 71-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш ва синов муддатини узайтириш тартиби белгиланган. Хусусан, агар синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг шартли ҳукм қилинган шахс ўз хулқи билан ўзининг ахлоқан тузалганини исботлаган бўлса, суд маҳкумнинг хулқи устидан назоратни амалга оширувчи давлат органининг тақдимномасига кўра шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисида ва маҳкумдан судланганликни олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс суд томонидан ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки жамоат тартибини бузган ва бунинг учун у маъмурий жазога тортилган бўлса, суд давлат органининг тақдимномасига кўра синов муддатини бир йилгача узайтириши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида суд томонидан ўзига юклатилган мажбуриятларни сурункали равишда ёки ашаддий бажармаган ҳолда, суд давлат органининг тақдимномасига кўра шартли ҳукмни бекор қилиш ва суд ҳукми билан тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида эҳтиётсизлик орқасида ёки унча оғир бўлмаган жиноятни қасддан содир этган ҳолда,

шартли ҳукмни бекор қилиш ёки сақлаб қолиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинади.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати мобайнида қасддан ўртача оғир, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этган ҳолда, суд шартли ҳукмни бекор қилади ва унга жазо тайинлайди.

Грузияда шартли ҳукм қилинганнинг синов муддати ЖК 64-моддасида белгиланган. Бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки енгилроқ жазо тайинланган ҳолда синов муддати бир йилдан кам ва уч йилдан ортиқ бўлиши, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тайинланган ҳолда эса – бир йилдан кам ва олти йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Грузия ЖК 67-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш ва синов муддатини узайтириш тартиби назарда тутилган. Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг ўз хулқи билан ахлоқан тузалганини исбот қилса, суд шартли ҳукм қилинганни назорат қилиш ва унга ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи орган тақдимига кўра шартли ҳукмни бекор қилиши ва маҳкумдан судланганликни олиб ташлаши мумкин. Агар шартли ҳукм қилинган шахс ўзига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки жамоат тартибини бузган ва бунинг учун унга маъмурий жазо қўлланилган бўлса, суд юқорида кўрсатилган орган тақдимига кўра синов муддатини бир йилгача узайтириши мумкин.

Молдова ЖК 90-моддасига мувофиқ, агар қасддан содир этилган жиноятлар учун 5 йилгача ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлаш вақтида ёки интизомий ҳарбий қисмга юбориш тариқасидаги жазони тайинлаш вақтида суд инстанцияси ишнинг ҳолатлари ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда айбдор тайинланган жазони ўташи мақсадга мувофиқ эмас, деган тўхтамга келган бўлса, у шартли ҳукм

қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин, бунда қарорда шартли ҳукм қилиш мотивлари ва синов муддати кўрсатилиши шарт.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддатининг камида ярми мобайнида намунали хулқи билан ажралиб турган бўлса, суд инстанцияси шартли ҳукм қилинганнинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг таклифига биноан шартли ҳукмни бекор қилиш ва судланганликни тугаллаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Германия ЖК 59-параграфига мувофиқ, агар кимгадир бир юзу саксон кунлик ставкагача жарима тарзида жазо белгиланган бўлса, суд уни ҳукм қилиш вақтида огоҳлантириш билан кифояланиши ва жазони тайинлашда унинг қўлланиши мумкинлигини айтиб қўйиши мумкин, агар:

қилмиш содир этган шахс келажакда жазо ижро этилмай туриб ҳам жазога лойиқ қилмишларни бошқа содир этмаслигини кутиш мумкин бўлса;

қилмишга ва уни содир этган шахсга берилган умумий баҳо уни жазодан озод қилиш мумкинлигидан далолат берувчи алоҳида ҳолатларни намоён этса;

ҳуқуқий тартиботни сақлаш уни жазога ҳукм қилишни талаб этмаса. Агар шахс жазога лойиқ қилмишни содир этгунга қадар охирги уч йил давомида жазо қўлланиши тўғрисидаги изоҳот билан огоҳлантириш олган ёки амалда жазога ҳукм қилинган бўлса, жиноят учун жазо қўлланиши мумкинлиги тўғрисидаги изоҳот билан огоҳлантиришни қўллаш имконияти, одатда, истисно этилади.

ЖК 59а-параграфида мустаҳкамланган қоидага кўра, суд синов муддатини белгилайди. Ушбу муддат уч йилдан ошиши ва бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Суд огоҳлантириш олган шахсга муайян ҳаракатларни бажаришни ҳукм этиши мумкин.

Латвия ЖК 55-моддасига мувофиқ, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий ишлар, қамоқ ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва етказилган зарарни, айбдорнинг

шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор жазони ўтамасдан туриб ҳам кейинчалик ҳуқуқбузарликлар содир этмайди, деган катъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида маҳкум янги жиноят содир этмаса, жамоат тартибини бузмаса ва суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажарса, ҳукмни ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Шартли ҳукм қилинганда суд олти ойдан уч йилгача синов муддатини белгилайди. Бунда қўшимча жазолар тайинланиши, шунингдек муайян мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Суд синов муддати давомида маҳкумга юкланган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин. Агар шартли ҳукм қилинган шахс суд юклаган мажбуриятларни узрли сабабларсиз бажармаса ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этса, суд маҳкумнинг хулқи устидан назорат олиб бориш юкланган муассасасининг аризасига кўра маҳкум тайинланган жазони ўташи тўғрисида ёки синов муддати бир йилга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Австрия ЖК бешинчи бўлимида жазодан шартли озод қилиш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби мустаҳкамланган. 43-параграфда жазодан шартли озод қилиш белгиланган. Агар ҳуқуқбузар икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоларига ҳукм қилинган бўлса, башарти, маҳкум янги жиноятлар содир этишдан ўзини тийиши учун жазони ижро этиш таҳдиди ёки бошқа чоралар қифоя қилади, деган хулосага келиш мумкин бўлса, суд уни бир йилдан уч йилгача синов муддатини тайинлаган ҳолда жазодан озод қилиши мумкин. Бунда қилмиш тури, ҳуқуқбузар шахси, унинг айби даражаси, олдинги ҳаёти ва қилмишдан кейинги хулқ-атворини ҳисобга олиш талаб этилади.

ЖК 44-параграфида бир нечта жазолар қўшилганда шартли озод қилиш мустаҳкамланган. Агар озодликдан маҳрум қилиш ва жарима бир

вақтнинг ўзида тайинланган бўлса, шахс, башарти, бунинг учун асослар мавжуд бўлса, иккала жазодан ҳам шартли озод қилиниши мумкин.

Польша ЖК 66-моддасига мувофиқ, суд, агар айб ва қилмишнинг ижтимоий зарарлилиги унча катта бўлмаса, жиноятни содир этиш ҳолатлари шак-шубҳа туғдирмаса, илгари қасддан жиноят содир этганлик учун жазога тортилмаган айбдорнинг шахси, унинг яшаш шароити хусусиятлари, шунингдек олдинги турмуш тарзи жиноий таъқиб тўхтатилганига қарамай у ҳуқуқий тартибга риоя этади, хусусан жиноят содир этмайди, деб тахмин қилиш имконини берса, жиноий таъқибни шартли равишда тугатиши мумкин. Шартли тугатиш уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдорга қўлланилмайди.

Жабрланувчи айбдор билан ярашган, айбдор зарарни бартараф этган ёки жабрланувчи билан айбдор уни бартараф этиш усули ҳақида келишган бўлса, шартли тугатиш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдорга нисбатан қўлланилиши мумкин.

ЖК 67-моддасига биноан шартли тугатиш бир йилдан икки йилгача синов муддатини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бунда суд синов муддати даврида айбдорни куратор ёки ишончли шахс, маҳкумларни тарбиялаш ёки уларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган жамоат ташкилоти, бирлашма ёки муассаса назорати остига бериши мумкин.

Агар айбдор синов муддати даврида қасддан жиноят содир этган бўлса, суд жиноий таъқибни тиклайди. Агар айбдор синов муддати даврида ҳуқуқий тартибни қўпол равишда бузган, назорат остида бўлишдан, ўзига юкланган мажбуриятларни бажаришдан ёки тайинланган жиноят-ҳуқуқий чорани ўташдан бўйин товлаётган ёинки жабрланувчи билан эришилган келишувни бажармаётган бўлса, суд жиноий таъқибни тиклаши мумкин.

Шартли тугатилган таъқиб синов муддати тугаганидан кейин орадан олти ой ўтгач тикланиши мумкин эмас.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик соҳасидаги ислохотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдига жиноят-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш борасида янги вазифаларни қўяди, жиноий жавобгарликка тортиш, шу жумладан жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ этишни биринчи ўринга чиқаради. Шартли ҳукм қилиш институтини тартибга солувчи жиноят-ҳуқуқий нормаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур институтдан тўғри фойдаланиш унча хавфли бўлмаган шахсларни ахлоқан тузатиш ишида катта ютуқларга эришиш имконини беради.

Турли мамлакатлар қонунчилигида тадқиқ этилаётган институтга нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжудлигига қарамай, қуйидагилар ўзгаришсиз қолаётир:

- шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш учун айбдорнинг шахсини тавсифлайдиган, у жиноий фаолиятни тўхтатгани, реал жазони қўлламай туриб ҳам у ахлоқан тузалиш йўлига киришга аҳд қилганидан дарак бериши мумкин бўлган маълумотлар биринчи даражали аҳамият касб этади;

- синов муддати тайинланиши ва унинг давомида маҳкум жиноят ёки бошқа ижтимоий зарарли қилмишлар содир этиши мумкин эмаслиги;

- синов муддати даврида суд юклаган мажбуриятларни бажариш;

- маҳкумнинг хулқини назорат қилувчи органлар тизими.

Чет эл мамлакатларининг шартли ҳукм қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш шартли ҳукм қилиш шартларини юмшатиш, синов муддатини қисқартириш ва уни барвақт тугаллаш масалаларини кўриб чиқишни таклиф қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги нормаларига кўра, шарт ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш имконияти мавжуд.

Айни вақтда, ушбу имкониятни амалга ошириш тартиби назарда тутилмаган. Хусусан, синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни бекор қилиш ташаббуси кимдан чиқади, деган савол очик қолаётир, шунингдек мазкур имкониятни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳолатлар белгиланмаган.

Чет эл мамлакатлари жиноят қонунчилигини ўрганиш айрим мамлакатларда синов муддатини тайинлаш тартибида фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, Россия Федерациясида бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки янада енгил жазо тайинланган ҳолда синов муддати олти ойдан кам ва уч йилдан ортиқ бўлиши, бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланган ҳолда эса – олти ойдан кам ва беш йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида синов муддатини тайинлаш тартибини янада аниқлаштириш, хусусан, белгиланган синов муддатини дифференциациялаш чорасини кўриш лозим.

Шу мақсадда, мазкур тадқиқот ишининг 2-бобида таҳлил қилинган миллий тажриба, қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолар ҳамда ушбу бобда таҳлил қилинган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Синов муддати олти ойдан беш йилгача муддатга белгиланади. Уч йилгача бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва ундан енгил турдаги жазолар тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги олти ойдан уч йилгача, уч йилдан ортиқ бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги уч йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Синов муддати ҳукм

чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.”.

Юқорида баён этилган тақлифларни амалга ошириш жиноят қонунчилигини шартли ҳукм қилиш қисмида янада такомиллаштириш имконини беради, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишни мустаҳкамлаш, жазодан озод қилишнинг мазкур турини қўллашнинг коррупциявий хусусиятининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

III боб бўйича хулоса:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамок, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. ЖК 72-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги келтирилган иккита тақлифдан биттасини ўзгартиш сифатида киритиш мақсадга мувофиқ:

1) ***“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,” деган сўзлар “содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб,” сўзлари билан алмаштирилсин.”;***

ёки

2) *“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,”* деган сўзлар *“ушбу Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб,”* сўзлари билан алмаштирилсин.”.

3. Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб боровчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.”;

2) олтинчи-саккизинчи қисмлар еттинчи-тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

4. Мазкур тадқиқот ишининг 2-бобида таҳлил қилинган миллий тажриба, қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолар ҳамда ушбу бобда таҳлил қилинган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасини иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Синов муддати олти ойдан беш йилгача муддатга белгиланади. Уч йилгача бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва ундан енгил турдаги жазолар тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги олти ойдан уч йилгача, уч йилдан ортиқ бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги уч йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.”.

ХУЛОСА

Шартли ҳукм қилишнинг назарий ва амалий масалалари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий ва ҳуқуқий мазмундаги назарий хулосалар, шунингдек, бу борадаги суд амалиётини таҳлил қилиш натижасида шаклланган таклиф, тавсия ва хулосалар қуйидагича икки қисмдан иборат тарзда баён этилди:

1. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Биз шартли ҳукм қилиш асосий жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш, уни жазодан озод қилиш турларидан бири, деб ҳисоблайдиган ҳуқуқшунослар фикрига қўшиламыз.

2. Тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги тушунчалар юзасидан таъриф ишлаб чиқилди:

Шартли ҳукм қилиш – бу тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазосини ўтамасдан туриб ҳам айбдор шахснинг хулқини тузатиш мумкин бўлган, айбдор шахснинг суд томонидан белгиланган синов муддати давомида ва белгиланган шартлар асосида ўзининг қатъий тузалиш йўлига ўтганлигини исботлашини талаб этувчи жазони ижро этмаслик тўғрисидаги суд қарори (ҳукми) шаклидаги жазодан озод қилиш институтларидан биридир;

Синов муддати – бу қонун билан белгиланган шундай бир даврки, унинг мобайнида айбдорнинг ахлоқан тузалиши ва шартли ҳукм қилишни қўллашнинг асослилигини текшириш шартли ҳукм қилинганга муайян мажбуриятларни юклаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

3. Шартли ҳукм қилиш бўйича жиноят қонун нормаларининг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

1) 1917 йилдан 1926 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институти жиноят ҳуқуқига киритилди. Ушбу даврда РСФРда қабул қилинган ҳужжатлар де-факто мамлакатимиз ҳудудида ҳам амалда бўлди;

2) 1926 йилдан 1982 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилишга оид нормалар мамлакатимизда кодификация қилинган жиноят қонуни тизимида назарда тутилди; 3) 1982 йилдан 1994 йилгача бўлган давр – шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш имкониятини кенгайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилди; 4) 1994 йилдан 1996 йилгача бўлган давр – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодексида ушбу институт жиноят қонунда илк маротаба мустаҳкамланган жиноят қонунининг принциплари асосида “шартли жазо белгилаш” сифатида қайта шакллантирилди; 5) 1996 йилдан ҳозиргача бўлган давр – мазкур институт шартли ҳукм қилиш тарзидаги жазодан озод қилиш турларидан бири сифатида тўлиқ шакллантирилди ва уни қўллаш бўйича қонуний асослар кенгайтирилди.

4. Қонуннинг шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори билан боғлиқ муайян шартларидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларини турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин, масалан: 1) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг суд ихтиёрига кўра қўлланиладиган (қўлланилиши мумкин бўлган) ва мажбурий турлари; 2) шартли ҳукм қилишни бекор қилиш асосларининг ўз мажбуриятларини бажаришга маҳкумнинг фаол ижобий ва салбий муносабати билан боғлиқ бўлган турлари; 3) шартли ҳукм қилишни бекор қилишнинг шартли ҳукм қилинган шахснинг салбий ёки ижобий ҳаракатлари йиғиндиси билан белгиланган ва бир қарралик ғайриқонуний хулқ-атвор билан белгиланган асослари ва ҳ.к.

II. Жиноят кодексини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича

чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. ЖК 72-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги келтирилган иккита таклифдан биттасини ўзгартиш сифатида киритиш мақсадга мувофиқ:

1) **“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,”** деган сўзлар **“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб,”** сўзлари билан алмаштирилсин.”;

ёки

2) **“содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,”** деган сўзлар **“ушбу Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб,”** сўзлари билан алмаштирилсин.”.

3. Амалдаги қонунчилик шартли ҳукм қилишни Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида санаб чиқилган асосий жазоларнинг 4 та турига нисбатан қўллаш имконини беради, аммо мазкур жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил эмас. Бинобарин, уларга белгиланиши мумкин бўлган синов муддатлари ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Масалан, оғир жиноятлар содир этганлик учун синов муддатининг юқори чегараси – уч йилни белгилаш ўринли бўлса, олти ойга ахлоқ тузатиш ишлари шартли равишда тайинланган ҳолда, бир йилдан ортиқ муддатга синов муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш лозимки, давомли синов муддатини тайинлаш ижобий таъсир кўрсатиши ва айбдорни шартли ҳукм қилишнинг ҳуқуқий

оқибатларидан озод бўлиш мақсадида ўзининг ахлоқан тузалганини исботлашга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган ушбу муаммо, қонунчилик соҳасидаги миллий тажриба ҳамда таҳлил қилинган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ЖК 72-модасининг 2-қисмига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

“Синов муддати олти ойдан беш йилгача муддатга белгиланади. Уч йилгача бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва ундан енгил турдаги жазолар тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги олти ойдан уч йилгача, уч йилдан ортиқ бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги уч йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.”.

4. Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг учинчи қисмига қуйидаги мазмундаги қўшимча киритилсин:

“вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш,” сўзларидан кейин **“муайян жойда яшаш,”** сўзлари киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб боровчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.”;

2) олтинчи-саккизинчи қисмлар еттинчи-тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси кодекслари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2014. – Б. 832.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2014 йил 1 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).– Тошкент: Адолат, 2014. – 396 б.
4. Уголовный кодекс Австрии. – М.: ИКД “Зерцало-М”, 2001. – 59 с.
5. Уголовный кодекс Азербайджанский Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 210.
6. Уголовный кодекс Грузии. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 227-228.
7. Уголовный кодекс Испании. Под ред. д.юн., проф. Н.Ф.кузнецовой и д.юн., проф. Ф.М.Решетникова. – М.: Зерцало, 1998. – С. 89-91.
8. Уголовный кодекс Латвийской Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 205.
9. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 284.
10. Уголовный кодекс Республики Болгария. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 172-174.
11. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 215-256.
12. Уголовный кодекс Республики Киргизии. – СПб.: Юридический центр Пресс 2002. – С. 189-190.

13. Уголовный кодекс Республики Польша. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – 194 с.

14. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – СПб.: Юридический центр Пресс 2001. – С. 270-271.

15. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. / Масъул муҳаррир: М.Восиқова, Т.Нигмонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 336 б.

16. Уголовный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд: Издат. НКЮ УзССР, 1926. – С. 31.

17. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 202.

18. Уголовный кодекс Эстонский Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 142.

II. Раҳбарий адабиётлар:

19. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

20. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

III. Махсус адабиётлар

Дарслик, монография, ўқув кўланмалар, шарҳлар

22. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.
23. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.
24. Анашкин Г.З., Вышинская З.А., Минская В.С. Условное осуждение и практика его применения. – М., 1991. – С. 11.
25. Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. – М., 1998. – С. 112-113.
26. Байдерман Б. Планирование уголовной политики (антропологический аспект). – М., 1992. – С. 64.
27. Баландин В.И. Эффективность освобождения от отбывания наказания при условном осуждении и отсрочке исполнения приговора. – Свердловск, 1998. – С. 13.
28. Баландюк В.Н. Некоторые вопросы практики применения условного осуждения. – Омск 1996. – С. 134.
29. Беляева А.В., Орешкина Т.Ю. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 120.
30. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. - Тошкент: ТМИ, 2004. – Б. 129.
31. Бриллиантов А.В. О некоторых аспектах дифференциации наказания. – М., 2000. – С. 101.
32. Бриллиантов А.В., Потемкина А.Г., Ружников А.Н. Исполнение условного осуждения и условного освобождения с обязательным привлечением к труду. – М., 1992. – С. 11.
33. Вишневская Л.Н. Основания назначения условного осуждения. – Петрозаводск, 1993. – С. 263.

34. Гаверов Г.С. Условное осуждение и вопросы его эффективности. – М., 1992. – С. 106.
35. Гаверов Г.С. Условное осуждение и его применение к несовершеннолетним правонарушителям. – Иркутск, 1993. – С. 92.
36. Горелик А.С. Назначение наказания по совокупности. – Красноярск, 1995. – С. 223.
37. Дуюнов В.К. Проблемы уголовного наказания в теории, законодательстве и судебной практике. – Курск, 2000. – С. 114.
38. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 374 б.
39. Карпец И.И. Индивидуализация наказания. – М., 1991. – С. 27.
40. Комментарий к Уголовному кодексу РФ. – М., 1996. – С. 205.
41. Кригер Г.А. Условное осуждение и роль общественности в его применении. – М., 1993. – С. 73.
42. Крылова Н.Е. Основные черты нового Уголовного кодекса Франции. – М., 1996. – С. 78-79.
43. Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англия, США, Франция, Германия). – М.: Зерцало, 1997. – С. 139.
44. Ломако В.А. Применение условного осуждения. – Харьков, 1996. – С. 32.
45. Ломако В.А. Условное осуждение. – Харьков, 1992. – С. 15.
46. Милюков С.Ф. Российская система наказаний. – СПб., 1998. – С. 44.
47. Музеник А.К., Уткин В.А., Филимонов О.В. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – Томск, 1990. – С. 18.
48. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва айрим ри-вожланган хориж давлатлари жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари: Ўқув қўлланма. /

Б.Ж.Ахраров, Ш.Абдукодилов, Э.Турғунбоев, Ҳ.Очилов. / Масъул мухаррир: ю.ф.д. Қ. Абдурасулова. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 192 б.

49. Мухтасар. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 154-157.

50. Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. – М., 1996. – С. 434.

51. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажақда. – Тошкент: Турон-иқбол, 2005. – Б. 78.

52. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо: Монография. – Тошкент: Адолат, 1996. – 134 б.

53. Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 26.

54. Ретюнский И.С. Уголовная ответственность и ее реализация. – Воронеж, 1993. – С. 56.

55. Ружников А.Н. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора. – М., 1994. – С. 6.

56. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2006. – 283 б.

57. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2010. – 400 б.

58. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.2. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – Б. 192.

59. Рустамбаев М.Х., Абдурасулова Қ.Р., Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 6.

60. Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 116.

61. Саввич Ф.С. Условное осуждение как мера воспитания осужденных в современный период. – Свердловск, 1992. – С. 351.

62. Савин Н.Ф. Вопросы государства и права. – Свердловск, 1992. – С. 534.
63. Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР 1917-1952 г.г. – М., 1953. – С. 119.
64. Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. Т.2. – Ташкент: АН Узбекистан ССР, 1960. – С. 406.
65. Суюнова Д.Ж. Жиноий жазоларни тайинлаш муаммолари. – Тошкент, 2008. – 56 б.
66. Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. – М., 1990. – С. 51.
67. Уголовное законодательство зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии, Японии). – М., 1998. – С. 21.
68. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. Козочкина И.Д. – М., 2001. – С. 557.
69. Уголовное право РФ. Общая часть. – М., 1996. – С. 424-425.
70. Уголовное право. Общая часть / Учебник под ред. Здравомыслова Б.В. – М.: Юристъ, 2000. – С. 397.
71. Уголовный кодекс РФ. Комментарий к УК. – М., 1997. – 142-б.
72. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997. – 382 б.
73. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистика маълумотлари, 2015 йил.
74. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. – 379 б.
75. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар / Х.Алимов, У.Аюбов ва б. – Тошкент: Адолат, 2000. – Б. 295.
76. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 524.

77. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

78. Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 57 б.

79. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 270.

80. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – 660 б.

81. Уткин В.А. Наказание и исправительно-трудовой воздействие. – Томск, 1994. – С. 172.

82. Шаргородский М.Д. Вина и наказание в уголовном праве. – М., 1995. – С. 8.

83. Шаргородский М.Д. Наказание по советскому уголовному праву. – М., 1958. – С. 158.

84. Шнейдер М.А. Назначение наказания по советскому уголовному праву. – М., 1957. – С. 96.

Даврий адабиётлар:

85. Абдумажидов Ғ. Жазо ва жавобгарлик // Журнал. Қонун химоясида. – Тошкент, 2001. – №4.

86. Брусницын Л. Правоограничения для обвиняемых и осужденных – меры безопасности для жертв и свидетелей // Советская юстиция. 2002. №5. – С. 47.

87. Бурканов Ю.А. Юридическая природа и возможности расширения применения института условного осуждения. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 1998. – С. 54.

88. Бышевский Ю.В. К вопросу о юридической природе условного осуждения. Сб.: Научные труды Омской Высшей школы милиции МВД СССР. – Омск, 1972. – С. 99.

89. Веретенникова Т.Г. Условное осуждение и его значение в реализации закона. Сб. Вопросы осуществления прав и обязанностей в развитом социалистическом обществе. – Казань, 1993. – С. 63.

90. Горяйнова Е.А. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора // Правоведение, 1987. №3.- С. 93.

91. Двойменный И.А. Проблемы исполнения условного осуждения в современных условиях.

92. Сб.: Региональные проблемы борьбы с преступностью. – М., 2000. – С. 74.

93. Зельдов С.И. Освобождение от отбывания наказания и прогрессивная система реализации уголовной ответственности. Сб.: Криминология и уголовная политика. – М., 1995. – С. 127.

94. Зубков А.И. Советская исправительная система и основные направления перевоспитания осужденных. Сб.: Проблемы совершенствования исправительно-трудового законодательства и деятельности органов, исполняющих наказания. – М., 1991. – С. 5.

95. Книженко О. Условное осуждение или система испытания // Законность, 2002. №9. – С. 40.

96. Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения // Государство и право, 1999, №7. –С. 103.

97. Кравец Ю.П. Испытательный срок и контроль за поведением условно осужденных // Советская юстиция. 1990. №11. – С. 12.

98. Мусаев Б. Жаноят-хукукий соҳадаги сиёсат жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг энг муҳим йўналиши. // Суд-хуқук тизимини ислоҳ қилишнинг самарадорлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асосида конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 46.

99. Саркисова Э. О воспитательной работе с условно осужденными // Социалистическая законность, 1963. №12. – С. 48.

100. Сахаров А.Б. Планирование уголовной политики и перспективы развития уголовного законодательства. Сб.: Планирование мер борьбы с преступностью. – М., 1992. – С. 14.

101. Ткачевский Ю.М. Юридическая природа условного осуждения // Уголовное право, 1999. №1. – С. 36.

102. Черненко Т.Г. Условное осуждение и отсрочка исполнения приговора: пути совершенствования. Сб.: Новый уголовный закон. – Кемерово, 1999. – С. 113.

IV. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари:

103. Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодательный, теоретический и правоприменительный аспекты. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 121.

104. Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казань, 2000. – С. 144.

105. Кравец Ю.П. Условное осуждение по советскому уголовному праву. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1991. – С. 18.

106. Курченко В.Н. Уголовно-правовые и криминологические аспекты условного осуждения. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Свердловск, 1997. – С. 8.

107. Курбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни қўллаш муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 161.

108. Лядов Э.В. Условное осуждение к лишению свободы как институт уголовного и уголовно-исполнительного права. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Рязань, 2001. – С. 246.

109. Поливцев А.В. Правовое регулирование применения ареста как вида уголовного наказания. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов-н/Д., 2001. – С. 8.

110. Филимонов О.В. Правовое регулирование посткриминального контроля за поведением лиц, осужденных без изоляции от общества и освобожденных из мест лишения свободы. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Харьков, 1991. – С. 30-31.

V. Интернет саҳифалари:

111. www.lex.uz

112. www.parliament.gov.uz

113. www.huquqburch.uz

114. www.xs.uz

115. www.dic.academic.ru

116. www.gks.ru.

117. www.zakon.ru

118. www.lex.kz

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ***Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига
ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси томонидан 20___ йил _____да қабул қилинган.
Сенат томонидан 20___ йил _____да маъқулланган.*

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 39-сон, 294-модда, 52-сон, 384-модда, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 51-52-сон, 498-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда, 17-18-сон, 171-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 401-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 16-сон, 116-модда, 117-модда, 28-сон, 263-модда, 37-38-сон, 366-модда, 39-сон, 390-модда, 391-модда, 52-сон, 513-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 171-модда, 37-сон, 402-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 20-сон, 147-модда, 21-сон, 161-модда, 38-сон, 329-модда, 51-сон, 482-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда;

2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда) 72-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“72-модда. Шартли ҳукм қилиш

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, камоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати олти ойдан беш йилгача муддатга белгиланади. Уч йилгача бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва ундан енгил турдаги жазолар тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги олти ойдан уч йилгача, уч йилдан ортиқ бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги уч йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойда яшаш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисmini олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб боровчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.


Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.”.

2-модда. Мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.


Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. Каримов

2011-2014 йилларда шартли ҳукм қилинган шахслар ҳақида
МАЪЛУМОТ



2011-2014 йилларда шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳукмда тайинланган жазолари таснифи тўғрисида
МАЪЛУМОТ



**Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг
янги таҳрирдаги варианты:**

72-модда. Шартли ҳукм қилиш

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, **қамоқ**, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари **ёки жарима** жазоларини тайинлаш вақтида **содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишининг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб**, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати олти ойдан беш йилгача муддатга белгиланади. Уч йилгача бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ва ундан енгил турдаги жазолар тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги олти ойдан уч йилгача, уч йилдан ортиқ бўлган муддатга озодлик маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган тақдирда, синов муддатининг давомийлиги уч йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб

борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, *муайян жойда яшаш*, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёвандлик, захарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисmini олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб борувчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.